БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 92 (323)

11 МАЙ ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

## БУГУНГИ СОНДА:

Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан Европа мамлакатлари кенгашида қатнашмоқ учун СССР Делегацияси Варшавага жўнаб кетди (1-нчи бет).

Прагада ўтказилган тантанали мажлиснинг табрик хати (1-нчи бет).

Германия Демократик Республикаси Президенти Вильгельм Пикнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловга табрик телеграммаси (1-нчи бет).

Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан Европа мамлакатлари кенгашида қатнашучи СССР Делегацияси Варшавага келди (1-нчи бет).

**Ғўзани ўз вақтида юқори сифатли парвариш қилайлик!** Вегетациянинг биринчи даврида ғўзани парвариш қилиш тадбирлари (2-нчи бет).

**Чехословакия фашист оккупациясидан озод қилинганлигининг ўнйиллиги.** Ўртоқ Л. М. Каганович нутқи (3 ва 4-нчи бетлар).

Берлинда оммавий митинг. Вальтер Ульбрихт нутқи. М. Г. Первухин нутқи (4-нчи бет).

Отто Гротевольнинг 7 майда Берлиндаги тантанали мажлисда қилган доклади. (4-нчи бет).

## Англия-Совет ва Франция-Совет шартномаларининг бекор қилинишига доир

Яқинда «Правда» газетасида СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йилда тузилган Англия-Совет Шартномасини ва 1944 йилда тузилган Франция-Совет Шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги Фармонлари э'лон қилинди. Англия ва Франция ҳукуматлари мазкур шартномаларни қўпол равишда бузганликлари натижасида бу шартномалар ўз кучини йўқотган эди.

Гитлерчилар агрессиясига қарши биргаликда олиб борилган оғир кураш даврида тузилган Англия-Совет ва Франция-Совет Шартномалари ана шу Шартномалар қатнашчиларига Германия томонидан бўладиган янги агрессия эҳтимолига йўл қўймаслик учун барча чораларни биргаликда кўриш, аҳдлашучи томонларнинг бирига қарши қаратилган ҳеҷқандай иттифоқларни тузмаслик ва ҳеҷқандай коалицияларга қатнашмаслик мажбуриятини юклаган эдилар.

Совет Иттифоқи умумий душманга қарши курашдаги жанговар ҳамкорлик блан мустаҳкамланган Англия-Совет ва Франция-Совет Шартномалари мазкур шартномаларни тузган давлатларнинг хавфсизлигини та'минлаш манфаатларига жавоб беради ҳамда СССР, Англия ва Франция ўртасида дўстликни сақлаш ҳамда ривожлантириш Европада тинчликни сақлаш учун муҳим замин бўлади, деб ўйлаб, ана шу Шартномаларни сақлаш ва мустаҳкамлашга доим интилиб келди. Аммо Англия ва Франция ҳукуматлари герман милитаризмининг тикланиши Европа халқларининг хавфсизлигига ва биринчи галда Ғарбий Германия блан қўшни бўлган мамлакатларнинг хавфсизлигига таҳдид туғдиражаги блан ҳисоблашмай, ўз мажбуриятларини очиқдан-очиқ буздилар. Улар Ғарбий Германияни ремилитаризация қилишни кўзда тутган битимларни тузидилар ва ратификация қилдилар ҳамда Ғарбий Германия блан ҳарбий иттифоқ тузиларки, бу иттифоқ Совет Иттифоқига қарши қаратилгандир. Шу блан бирга Англия герман милитаризмини қайтадан тиклашнинг асосий илҳомчиларидан ва бу тадбирни амалга оширувчилардан бири сифатида майдонга чиқди.

Шундай қилиб, Англия ҳукумати ҳам, Франция ҳукумати ҳам уруш йилларида Совет Иттифоқи блан тузилган Шартномаларни йўққа чиқардилар. Бунинг натижасида СССР Олий Совети Президиуми ана шу Шартномалар ўз кучини йўқотди, деб топиб, уларни бекор қилишга қарор қилди. СССР Олий Совети Президиумининг матбуотда э'лон қилинган Фармонлари ҳақиқий аҳволни тамомила равшан қилиб кўрсатади ва Париж ҳарбий битимларининг ҳақиқий агрессив мақсадлари ва вазифаларини яшираётган ҳамда бу блан инглиз ва француз жамоатчилигини алдамоқчи бўлган кишиларнинг ниқобини йиртиб ташлайди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизмнинг тор-мор қилинганлиги Европа давлатлари ўртасида тинчлик муносабатлари мустаҳкам системасини вужудга келтириш учун зарур шароитларни яратди. Герман милитаризминнинг қайтадан тикланишига йўл қўймасликка қаратилган Франция-Совет ва Англия-Совет ҳамкорлиги ана шу системанинг муҳим элементларидан бири бўлиши керак эди. 1942 йилдаги Англия-Совет Шартномаси ва 1944 йилдаги Франция-Совет Шартномаси турли сиёсий ва социал системаларга мансуб бўлган давлатлар ўртасида тузилган эди. Аммо бунга қарамай, ана шу Шартномаларни виждонан бажариш учун реал база бор эди, бу база Германиянинг тинч йўл блан ривожланиб боришидан ўзаро манфаатдор бўлишдан иборат эди. Совет жамоатчилиги ана шу Шартномаларнинг тузилишини табриклаб, бунда милитарлаштирилган агрессив Германиянинг бўлиши Франция ва Англиянинг миллий манфаатларига тўғри келмайди, шу сабабдан Англия ҳам, Франция ҳам Европа хавфсизлигини та'минлашда Совет Иттифоқи блан ҳамкорлик қилади, деган фикрга асосланди.

Англия ва Франциядаги ҳукмрон доиралар ўтмишда Европа хавфсизлиги манфаатлари блан ҳисоблашмай, гитлерчиларни Шарққа агрессия қилишга рағбатлантирганликларини совет жамоатчилиги эсидан чиқаргани йўқ, албатта. Аммо уруш йилларида Франция ва Англия сиёсатининг раҳбарлари ана шу ўтмишга хотима берилди, деб да'во қилдилар ва антигитлерчилар коалицияси ҳамкорлигини сақлашга ва фашизм тор-мор келтирилганидан кейин биргаликда ҳаракат қилиб тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашни та'минлашга қат'ий қарор берганликларини бирнеча марта айтдилар. Англия-Совет ва Франция-Совет Шартномалари ана шу ва'даларни амалий иш блан мустаҳкамлашда жуда яхши имконият яратиб берар эди: Англия ва Франциядаги ҳукмрон доиралар ўз мажбуриятларига риоя қилиб, Европа халқларининг хавфсизлигини герман милитаризми томонидан бўладиган таҳдидлардан сақлаш ишига катта ҳисса қўшаолар эдилар.

Аммо, фактлар Англия ва Франция ҳукуматларининг ана шундай ҳиссани қўшмаганликларини кўрсатди. Англия ҳукумати герман милитаризмини қайтадан тиклаш ва ремилитаризация қилинаётган Ғарбий Германияни агрессив ҳарбий группировкаларга — Атлантик блокига ва Ғарбий Европа иттифоқига тортиш йўлидаги асосий курашчилардан бири бўлди. Кейинги саккиз йил ичида алмашиниб келган Франция ҳукуматлари Германия проблемасини ҳал этишга ҳалақит бериш йўлини қўллаб-қувватлаб, Америка империализмининг агрессив планлари олдида таслим бўлиш йўлидан бордилар. Англия ва Франция ҳукуматларининг тинчлик ишига ҳавфли бўлган ана шу сиёсати Париж битимларини ратификация қилишда ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

Воқиалар шу тарзда ривожланиб борган бир пайтда Совет Иттифоқи, Польша Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Руминия, Болгария ва Албания ўтган йилнинг 2 декабрида Москва кенгашида Декларация қабул қилдилар. Улар бу Декларацияда Париж битимлари ратификация қилинган тақдирда қуролли кучларни ва уларнинг қўмондонлигини уюштириш соҳасида ғарбликда кўрилдиган чораларни, шунингдек ўз халқларининг тинч меҳнатини қўриқлаш, ўз чегаралари ва территорияларининг дахлсизлигини гарантиялаш ва эҳтимол тутилган агрессиядан ўзларини ҳимоя қилишни та'минлаш мақсадида ўз мудофаа қобилиятларини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган бошқа тадбирларни амалга оширишга қарор берганликларини билдирдилар. Европанинг ана шу тинчликсевар давлатлари, ҳозирги вақтда ҳарқачонгидан кўпроқ жинслашган бу давлатлар ўзаро маслаҳатлашдилар. Бу маслаҳатлар биринчидан, мазкур саккиз давлат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Шартнома тузиш масаласига ва, иккинчидан Шартномада қатнашучи давлатларнинг бирлашган қўмондонлигини уюштириш масаласига тааллуқли эди.

Ҳозирги вақтда Париж битимлари ратификация қилинганлиги сабабли мазкур давлатлар Москва кенгашининг қарорларидан келиб чиқадиган масалаларни муҳокама қилиш учун 11 майда Варшавада иккинчи кенгаш чақириш тўғрисида бир қарорга келдилар. Варшава кенгашида Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ҳам қатнашади. Бу ҳукумат мазкур кенгашга ўз кузатучисини юборади.

Франция ва Англия давлат ҳокимияти органларининг Париж битимларини ратификация қилганлиги бу битимларнинг франция ва инглиз халқлари томонидан ратификация қилинишини асло билдирмайди. Ғарбий Германияни ремилитаризация қилишга қарши норозилик ҳаракати Францияда ва Англияда, шунингдек Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам кун сайин кучайиб бормоқда. Франция ва Англиянинг миллион-миллион меҳнаткашлари ғарбий герман реваншистларининг қайтадан қуроллантирилишига йўл қўймасликни талаб қилмоқдалар. Францияда ҳам, Англияда ҳам ба'зи отоқли сиёсий арбоблар оммининг кайфияти блан ҳисоблашиб, бу талабни қувватламоқдалар.

Англия-Совет ва Франция-Совет Шартномаларини йўққа чиқарган Англия ва Франция ҳукуматларининг ҳаракатлари Франция-Совет ва Англия-Совет муносабатларига ёмон та'сир кўрсатмай қололмайди. Аммо инглиз жамоатчилигининг турли доиралари Англия Совет Иттифоқи блан муносабатларни яхшилашдан астойдил манфаатдор эканлигини ва халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатишни худди шу йўлдан қидириш кераклигини тобора равшан тушунмоқдалар. Бир авлод умр кўрадиган давр ичида герман агрессиясидан уч марта жафо чеккан француз халқи Париж битимларининг ратификация қилиниши муносабати блан ўз ватани яқин орада дучор бўладиган аҳволнинг гоят жиддийлигини тушунмай қололмайди. Француз ишчилар синфи бошчилигидаги Франция меҳнаткашлари ва француз аҳолисининг бошқа табақалари правардида ўз мамлакатининг миллий манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаолажакларига совет жамоатчилиги ишонади.

Герман милитаризмининг қайтадан вужудга келтирилишига ва янги уруш хавфига қарши курашда француз ва инглиз халқлари совет халқининг кўмаги ва мададига умид боғлайоладилар. Совет Иттифоқи бундан бўён ҳам тинчлик ва халқлар хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун кураш сиёсатини изчиллик блан амалга оширади.

**(«ПРАВДА»нинг 10 майдаги бошмақоласи).**

### ЕВРОПАДА ТИНЧЛИКНИ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТА'МИНЛАШ ЮЗАСИДАН ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ КЕНГАШИДА ҚАТНАШМОҚ УЧУН СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРШАВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан Европа мамлакатлари Кенгашида қатнашмоқ учун СССР Делегацияси 10 майда Москвадан Варшавага жўнаб кетди.

СССР Делегацияси составида қуйидагилар бор: СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин (Делегация Бошлиғи), СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари, СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, СССР Мудофаа Министри, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков, Совет Иттифоқи Маршали И. С. Конев, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Т. Кальченко, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси К. Т. Мазуров, Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси М. А. Гедвилас, Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси А. А. Мюрисеп, СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари В. А. Зорин ва СССРнинг Польшадаги Элчиси П. К. Пономаренко.

СССР Делегацияси шу куниёқ Варшавага етиб келди. (ТАСС).

## Прагада ўтказилган тантанали мажлиснинг табрик хати

### *СССР Олий Советига, СССР Министрлар Советига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига*

Қадрли ўртоқлар!

Ватанимиз озод қилинганлигининг шонли ўнйиллиги кунида бутун чехословак халқи номидан қаҳрамон халққа, шонли Коммунистик партияга ва Совет Иттифоқи ҳукуматига қардошларча оташин салом йўллаймиз. Совет Иттифоқининг ғолиб армияси мамлакатимизни озод қилди ва янги ҳаёт йўлини очиб берди.

Совет жангчилари ва совет партизанларининг фашизмга қарши курашда кўрсатган мислсиз қаҳрамонлиги халқимизнинг хотирасида абадий сақланиб қолади. Уларнинг кураши халқимизнинг манфур оккупантларга актив суратда кўрсатган қаршилигига ёрдам берди. Биз, ватанимизни озод қилиш учун ўз жонларини фидо этган совет қаҳрамонларини ҳеҷқачон эсдан чиқармаймиз. Биргаликда тўккан қонимиз Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқларининг улуғ дўстлигини абадий мустаҳкамлади.

Ватанимиз фашистлар асоратидан озод қилинган пайтдан буён чех ва словак халқларининг ҳаётида янги тарихий давр бошланди. Чех ва словакларнинг ўз миллий ҳаёти учун, давлат мустақиллигини сақлаб қолиш учун асрлар бўйи олиб борган кураши Совет Иттифоқининг фашист агрессорлар устидан қозонган ғалабаси блан узил-кесил ҳал этилди.

Чехословак халқи ўз тарихида биринчи марта чинакам халқ-демократик давлатни, четэл империалистларига сра қарам бўлмаган тамомила суверен давлатни вужудга келтирди. Бизнинг халқимиз жонажон Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида ғолибона миллий ва демократик революциядан социализм асосларини қуришга ўтди.

Озодлик қўлга киритилгандан буён ўтган ўн йил ичида Чехословакия меҳнаткашларининг ҳаёти таниб бўлмаслик даражада ўзгарди. Янги заводлар, электростанциялар, тўғонлар, темир йўллар, уй-жой кварталлари, мактаб ва театрлар кўпайди. Бир вақтлар қолоқ деҳқончилик мамлакати бўлган Словакия янги Чехословакияда саноати ғоят ривожланган ўлкага айланди.

Халқнинг фидокорона қаҳрамонлик блан қилган меҳнати натижасида бизнинг ватанимиз янада кучли ва янада гўзал бўлиб қолди. Чехословакия меҳнаткашларининг моддий ва маданий турмуш даражаси тўхтовсиз ўсмоқда.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси халқларимизнинг бирлиги ва ишчилар, деҳқонлар ҳам интеллигенциянинг қардошларча ҳамкорлиги ўсиб, мустаҳкамланиб бораётган бир вазиятда қўлга киритилди. Чехословакия Коммунистик партияси уларни олға бошлаб бормоқда ва илҳомлантирмоқда. Бизнинг энг яхши дўстимиз ва иттифоқчимиз—Совет Иттифоқи ана шу ижодий ишда бизга жуда катта ёрдам берди ва доим ёрдам бермоқда.

Халқ-демократик Чехословакиясининг ўнйиллиги биз кирган йўл тўғри эканлигини, Коммунистик партия ва Халқ фронти ҳукуматининг сиёсати тўғри эканлигини ва бу сиёсат муваффақият қозонганлигини тасдиқлади. Ишчилар синфи бошчилигидаги халқимиз ана шу йиллар ичида мамлакатни капиталистлардан кўра яхшироқ бошқариб хўжайинлик қилаолишини, капиталистларсиз ва капиталистларга қарши яхши бошқариб хўжайинлик қилаолишини ва ҳеҷқандай куч уни бу йўлдан четга чиқазаолмаслигини исбот қилди.

Ватанимиз озодлигининг ўнйиллиги ишчиларимизни, меҳнаткаш деҳқонларимизни ва интеллигенциямизни ўз ижодий ғайратларини оширишга илҳомлантирмоқда, янги уруш оловини ёқучи империалистларга қарши, тинчлик учун янада қат'ий кураш олиб боришга илҳомлантирмоқда. Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'езди социализмни бундан кейин ҳам муваффақиятли суратда қуриш ва тинчлик учун кураш соҳасида катта ва муҳим вазифаларни қўйди. Бутун мамлакатимизда шодиёна ижодий меҳнат булоқдек қайнамоқда, бутун мамлакатимиз халқ хўжалигини юксалтиришнинг негизи бўлган оғир саноатни ривожлантириш учун, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини кескин суратда юксалтириш учун, кўп исге'мол қилинадиган товарларнинг миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш учун ҳамда мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун кураш олиб бормоқда.

Ана шу буюк вазифаларни бажармоқ учун янада зўр ғайрат блан ишлаш керак, даставвал барча участкаларда меҳнат унумдорлигини кескин суратда ошириш учун зўр ғайрат кўрсатиш керак. Бизнинг озод халқимиз бу вазифаларни муваффақиятли суратда бажариш учун етарли даражада куч, энтузиазм ва революцион ғайратга эгадир.

Фашист оккупацияси даврида Совет Иттифоқи бизнинг курашимизни ғоят қўллаб-қувватлаган эди, эндиликда Совет Иттифоқи бизнинг ижодий ишимизда илҳомлантируччи намунадир. Бизнинг меҳнаткашларимиз коммунизм қураётган совет халқининг ғолибона йўлини доим ўрганмоқдалар. Биз Совет Иттифоқининг ҳартомонлама кўрсатаётган ёрдамини чексиз қадрлаймиз, Совет Иттифоқининг ана шундай ёрдамисиз ижодий ишларимизда муваффақиятларга эришаолмаган бўлар эдик. Совет Иттифоқи томонидан бошқа демократик мамлакатларга ҳам кўрсатилаётган ёрдам, шунингдек социализм ва демократия лагеридаги мамлакатларнинг ўсиб бораётган ўзаро ҳамкорлиги халқлар ўртасида илгари ҳеҷқачон кўрилмаган янги муносабатларни ифода этади, Совет Иттифоқи ва халқ-демократик мамлакатлари сиёсатининг тинчлик характерда эканлигини исбот қилади.

Бизнинг меҳнаткаш халқимиз Совет Иттифоқининг тинчлик сиёсатини зўр қат'ият блан қўллаб-қувватламоқда. Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатининг қузатган мақсади—халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатишдан, прогресддан ва бутун инсониятни порлоқ истиқболга эриштиришдан иборат.

Энг яқин қўшнимиз бўлган Ғарбий Германияда АҚШ агрессив доиралари бошчилигидаги империалистлар Совет Иттифоқига қарши,—халқ демократияси мамлакатлари ва Германия Демократик Республикасига қарши янги уруш бошлашга ва бутун дун'ёда демократик кучларни бостиришга зўр бериб тайёргарлик кўрмоқдалар. Биз бу ҳолга э'тибор бермай қололмаймиз. Улар япон қиргин қуроли блан та'минланган нацистлар армиясини қайтадан вужудга келтириш йўли блан Шарққа қарши агрессив юришни такрорламоқчи бўладилар. Бундай юриш уларнинг ўтмишдошлари учун катта шармандалик блан тамом бўлган эди.

Чехословак халқи ўз ватанининг империалист босмачилар томонидан яна вайрон қилинишига ҳеҷқачон йўл қўймайди. Чехословак халқи ўз ватанини Совет Армияси блан ҳамжиҳат бўлиб, фидокорона кураш олиб борганлиги натижасида сақлаб қолди ва ўзининг ижодий меҳнати блан янги, янада бахтли ҳаётни қўлга киритди. Чехословак халқи қаҳрамонларча қилаётган меҳнати блан ўз ватанини мустаҳкамлоқда ва бу блан социализм ҳамда демократия қудратли лагерини мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшаётганлигини ва капиталистик ҳамда мустамлака мамлакатларда тинчлик, озодлик ва демократия учун курашаётган халқ оммасини илҳомлантираётганлигини яхши билади.

Чехословак халқининг тинчлик учун ва империалистларнинг жиноий планларини барбод этиш учун курашга бўлган қат'ий иродаси Европадаги саккиз мамлакатнинг Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан ўтказилган Москва кенгашининг қарорларига жавоб беради. Шу сабабдан Чехословакиянинг меҳнаткаш халқи мамлакатларимизнинг хавфсизлигини та'минлашга қаратилган ва бирлашда кўрилаётган тадбирларни, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида шартнома тузилишини ва бирлашган харбий қўмондонликнинг вужудга келтиришини тамомила қўллаб-қувватлайди. Москва кенгашида Чехословакия ҳукумати томонидан бутун республикамиз номидан олинган мажбуриятлар пухта ва қат'иятлик блан бажарилади.

Чехословакия—Совет дўстлиги давлат ва миллий тузумимизнинг негизидир. Биз, Готвальднинг: «Совет Иттифоқи блан абадий биргамиз» деган шиори руҳида ана шу дўстликни доим ривожлантирамиз ва мустаҳкамлаймиз.

Ҳалоскорларимиз—сизларга ташаккур ва муҳаббатимизни изҳор қиламиз!

Яшасин коммунизм қураётган қаҳрамон совет халқи!

Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

Енгилмас Совет Армиясига шон-шарафлар бўлсин!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва ҳукуматига шон-шарафлар бўлсин!

Тинчлик, озодлик ва инсоният прогрессининг байроқдори—улуғ Совет Иттифоқига шон-шарафлар бўлсин!

**Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитети, Чехословакия республикаси ҳукумати ва Миллий фронт Марказий комитетининг тантанали мажлиси.**

Прага, 1955 йил, 8 май.

## Германия Демократик Республикаси Президенти Вильгельм Пикнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловга табрик телеграммаси

БЕРЛИН, 8 май. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик Германиянинг гитлерчилар асоратидан озод қилинган кунига 10 йил тўлиши муносабати блан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловга қуйидаги телеграммани юборди:

«Ҳурматли ўртоқ Ворошилов!

Қаҳрамон Совет Армияси герман халқини фашизмдан озод қилган кунининг ўнйиллиги муносабати блан Сиз, ҳурматли ўртоқ Ворошиловга, Совет Қуролли Кучларига ва улуғ совет халқига ташаккур ва чуқур ҳурмат блан самимий табриклар юбориш эҳтиёжи борлигини қат'ий сезмоқдаман.

Шу кунда Германия Демократик Республикасининг аҳолиси ва барча прогрессив ҳамда тинчликсевар немислар фидокорона ва жасорат блан ҳаракат қилиб немис халқини фашистлар қуллигидан озод қилган шонли Совет Армиясига ва Совет Иттифоқи халқларига ўзларининг дўстлик ҳисларини мамнуният блан изҳор қилмоқдалар. Улар Германиянинг яна янги жаҳон уруши ўчоги бўлиб қолишига энди асло йўл қўймаймиз, деб қасам ичмоқдалар. Германия Демократик Республикасининг барча ватанпарвар ва тинчликсевар кучлари реванш олиш ниятидаги ғарбий герман сиёсатдонларининг кирдикорларига қарши қат'ият блан курашмоқдалар, бу сиёсатдонлар герман халқининг иродасига қарши Париж битимларини ратификация қилдилар ва немис ёшларидан тинчликсевар халқларга қарши янги жинояткорона урушда фойдаланмоқ учун бутун тайёргарликларни кўрмоқдалар.

Ғарбий Германия аҳолисининг кўпчилиги ҳам Аденауэр ҳукуматининг авантюрадан иборат ҳарбий планларини қат'иян рад қилмоқда ва Германияни тинчлик блан қайта бирлаштириш учун янада активроқ курашабошлади. Немис халқига тинчлик керак ва у, Германиянинг бир бутун, демократик давлат бўлишини истайди, немис халқига реваншист герман милитаризми керак эмас. Немис халқи бир бутун демократик тинчликсевар Германияни барпо қилиш учун олиб бораётган курашида ўзининг ёлғиз эмаслигини билади. Улуғ Совет Иттифоқининг бузилмас дўстлиги немис халқининг курашида унга берилаётган бебаҳо ёрдамлир. Германия масаласи устида Совет ҳукуматининг 1955 йил 15 январьда чиқарган муҳим баёноти, шунингдек Совет Иттифоқи блан Германия ўртасидаги уруш ҳолатини тўхтатиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг 1955 йил 25 январьдаги Фармони хурсандлик блан ва ма'қулланиб қабул қилинди. Совет халқларининг дўстлигини ва ишончини кўрсатучи бу янги далилар бутун немис халқига Ғарбий Германиянинг қайта ҳарбийлаштирилишига қарши ўз ҳаракатларини кучайтирмоги учун янги ғайрат бағишлади. Ҳурматли ўртоқ Ворошилов бизга кўрсатилган жуда катта ёрдам учун герман халқининг тинчликсевар кучлари номидан Сизга ва бутун совет халқига чуқур ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз. Ишонтириб айтаманки, герман халқи бир бутун, тинчликсевар, демократик Германияни тиклаш учун ўзининг адолатли курашини бўшаштирмай давом этдираверади.

**Вильгельм ПИК —**
**Германия Демократик Республикасининг президенти».**

Берлин, 1955 йил 8 май

## Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан Европа мамлакатлари кенгашида қатнашучи СССР Делегацияси Варшавага келди

ВАРШАВА, 10 май. (ТАСС). Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан Европа мамлакатлари кенгашида қатнашмоқ учун Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Делегацияси бугун Варшавага келди.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин бошчилигидаги делегация составида қуйидагилар бор: СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва Ташқи Ишлар министри В. М. Молотов, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков, Совет Иттифоқи Маршали И. С. Конев, РСФСР Министрлар Советининг раиси А. М. Пузанов, Украина ССР Министрлар Советининг раиси Н. Т. Кальченко, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси К. Т. Мазуров, Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси М. А. Гедвилас, Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси А. А. Мюрисеп, СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари В. А. Зорин.

Делегация составида СССРнинг Польша Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Муҳтор элчиси П. К. Пономаренко ҳам бор.

Варшавадаги марказий Окенче аэродромида делегацияни қуйидагилар кутиб олди: Польша Бирлашган ишчилар партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Болеслав Берут, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг раиси Александр Завадский, Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва миллий мудофаа министри Польша Маршали Константин Рокоссовский, Польша Бирлашган ишчилар партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'золари Зенон Новак, Якуб Берман, Эдвард Охаб, Роман Замбровский, Франтишек Южвяк, Станислав Радкевич, ташқи ишлар министри Станислав Сикшешевский ва бошқа расмий шахслар.

Кенгашда қатнашмоқ учун Варшавага келган Германия Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи Отто Гротеволь, Венгрия делегациясининг бошлиғи Андраш Хегедюш, Руминия делегациясининг бошлиғи Г. Георгиу-Деж, Болгария делегациясининг бошлиғи Вилко Червенков, Албания делегациясининг бошлиғи Мехмет Шеху, шунингдек мазкур делегацияларнинг а'золари, бирқанча мамлакатларнинг Варшавадаги элчихоналарининг бошлиқлари, Польша ва четэл матбуотининг вакиллари ҳам делегацияни кутиб олдилар.

Аэродром СССР ва Польша Халқ Республикасининг давлат байроқлари блан безатилган эди. Кутиб олиш вақтида фахрий коровул саф тортиб турди ҳамда Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикасининг Давлат гимнлари ижро этилди.

Н. А. Булганин Варшавага келиши блан аэродромда қуйидаги баёнотни берди:

Азиз дўстлар!

Совет ҳукумати ва совет халқи номидан қардош поляк халқини ва Польша Халқ Республикаси шонли пойтахтининг аҳолисини чин кўнгилдан самимий табриклашга ижозат берингиз.

Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан Европа давлатлари кенгашида қатнашмоқ учун Совет Иттифоқининг делегацияси бўлиб бу ерга келган бизлар мамлакатингизнинг, шунингдек Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Руминия, Болгария ва Албаниянинг вакиллари блан биргаликда мамлакатларимизнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида катта ва муҳим ишни бажариш бизнинг олдимизда турибди.

Ғарчи, халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун халқлар томонидан олиб борилаётган кураш муайян муваффақиятларга олиб келган бўлса ҳам, аммо жаҳоннинг ба'зи районларидаги аҳвол кейинги вақтларда жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Европанинг тинчликсевар давлатлари бундай аҳволга бепарво бўлиб қарайолмайдилар. Рўй берган шароитда давлатларимизнинг куч-ғайратларини бирлаштириш ва уларнинг ўз мудофаа қобилиятларини мустаҳкамлаб боришлари учун янги чоралар кўришлари талаб қилинади. Совет ҳукумати бўладиган кенгашда бу вазифалар ҳал этилади, кенгаш қатнашчилари бўлган давлатларнинг ишлари эса умумий тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилади, деб умид қилади.

Сизларга самимий, дўстона кутиб олганликларингиз учун қизғин ташаккур айтишга ва, кези келган қулай пайтдан фойдаланиб, поляк халқига, Варшава гражданларига социалистик жамият қуриш соҳасидаги фидокорона ижодий ишда муваффақиятлар тилашга ижозат берингиз.

Яшасин Польша Халқ Республикаси ва унинг пойтахти Варшава! Яшасин тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик!

# Ғўзани ўз вақтида юқори сифатли парвариш қилайлик!

## Вегетациянинг биринчи даврида ғўзани парвариш қилиш тадбирлари

Чигитни текис ундириб олиш ва вегетациянинг биринчи даврида ғўзани парвариш қилиш юзасидан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ма'қуллаган тадбирлар қуйида э'лон қилинади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги ҳозирги вақтда область қишлоқ хўжалик бошқармалари ва Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик министрлиги раҳбарларининг, машина-трактор станциялари ва совхозлар директорларининг, агрономлари ва механизаторларининг, қишлоқ хўжалик органларидаги барча ходимларнинг асосий вазифаси — пахтакор колхоз ва совхозларда ҳамма далаларда чигитни қисқа муддатда текис ундириб олишни намунали ташкил қилишдан, ғўзани парвариш қилиш соҳасидаги агрономия тадбирларини ўз вақтида ўтказишни та'минлашдан ва шу блан ғўзаларнинг ривожланиши учун яхши шароит яратиб беришдан ҳамда бўлиб ўтган совуқ, кучли ёмғирларнинг ёмон оқибатларини тугатишдан, чигит қайтадан экилган майдонларда ғўзани парвариш қилишга э'тибор беришдан иборат деб ҳисоблайдилар.

Қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, МТС ва совхоз директорлари, колхоз правлениелари МТС, совхоз ва колхозлардаги мавжуд механизация воситаларидан ҳамда меҳнат ресурсларидан чигитни тезроқ ундириб олиш соҳасидаги барча ишларни тезда тамомлаш, шу жумладан, қатор ораларини ишлашни кучайтириб юбориш ва ғўзани яганалашни ўз вақтида ўтказиш учун тўғри ҳамда жуда унумли фойдаланишлари, шу блан ҳамма далаларда ғўза тупларининг белгиланган қалинликда бўлишини ва ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатишни та'минлашлари лозим.

Ҳолбуки, кўпгина МТС, совхоз ва колхозларда чигитни биртекис ундириб олиш ва қатор ораларини ишлашни қизиқтиб юборишга тайёргарлик кўриш жуда қониқарсиз олиб борилмоқда. Колхоз ва совхозларда анча катта майдонларда чигит тўла ундириб олинмаган, культиваторларни тракторларга ўрнатиш, айниқса Тошкент, Самарқанд ва Бухоро областларида жуда секин олиб борилмоқда, қатор ораларини ишлаш учун чизелларни тайёрлаш тамомланмаган, бирқанча район ва колхозларда чигит ялпи униб чиққанига қарамай, ғўзани парвариш қилиш ташкил этилмаган.

Чигитни квадрат-уялаб экиш усулининг барча устунликларидан тўла фойдаланиш, ҳамма жойда ғўза тупларини квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб жойлаштирган майдонларни ҳамма йўллар блан кўпайтириш, бунинг учун одатдаги усулда экилган ғўзаларни машина блан букетлаштириш, бу ерларда қатор оралаларини узунасига-кўндалангига ишлашни ўз вақтида кучайтириб юбориш зарур.

Қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари, МТС, совхоз ва колхоз раҳбарлари пахта далаларида ишни яхши уюштиришга бутун куч-ғайратларини қаратишлари, кечиктириб бўлмайдиган қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда тўхталиб қолиш ва навбатга қўйиш ҳолларига йўл қўймасликлари, республика бўйича ғўзаларнинг 1—10 июньгача шоналашига ва ҳамма далаларда ғўзанинг эртга гуллашига эришмоқлари лозим, чунки, бу — пахтадан юқори ҳосил олиш учун зарур.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги ғўза парваришини яхши уюштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тавсия қиладилар:

### Чигитни текис ундириб олиш юзасидан

1. Пахта майдонларининг аҳволи ҳамма жойда яна бир марта текшириб чиқилсин ва чигитни экишдан илгариги даврда тўпланган нам блан тўла ундириб олиш мумкин бўлмаган далаларда дарҳол тупроқни текис намлаш учун етарли норма блан чигит суви бериш ташкил қилинсин, бунинг учун ҳарбир колхозда зарур миқдорда суғоручилар ажратилсин ва сувдан кеча-кундуз фойдаланилсин. Чигит суви беришни ўтказиш учун сун'ий ёмғир ёғдирадиган установкалардан ҳам тўла фойдаланилсин.

2. Чигит униб чиқабошлаган далаларда қаторлардаги тупроқни юмшатиш учун ротацион юлдузчалар блан ускуналанган трактор культиваторлари блан қатор оралаларини ишлаш дарҳол кучайтириб юборилсин. Шу блан бирга, қатор оралаларини ишлашда от культиваторларидан кенг фойдаланилсин, бундай культиваторлар биринчи навбатда унчалик катта бўлмаган участкаларда, шунингдек, суғоргандан кейин участкаларнинг айрим дўнг жойларида намни сақлаб қолиш ниятида культивация қилиш учун ишлатилсин, кейинчалик бутун дала трактор культиватори блан культивация қилинсин.

3. Ерости сувлари юза бўлган, захкашлиги сабабли чигитнинг униб чиқиши ва ривожланиши кечикаётган участкаларда қатор ораларини чуқур юмшатиш ва сўнгра тупроқни шамоллатиш ҳамда ициитиш учун эгат олинсин, бу эгатлар очиқ ҳолда қолдирилсин, шунингдек, ерости сувларининг яхши оқиб кетиши учун зовур ва ташлама шохобчалари тозалансин ҳамда чуқурлаштирилсин.

4. Ҳарбир участкада ернинг сатҳига, қатор ораларининг кенглигига ва сувнинг тупроққа сингиш даражасига қараб тажрибали суғоручилар солиб берган нишонлар бўйича ўқ-ариқлар олинсин, бунинг учун мавжуд механизация воситаларидан фойдаланилсин! Сатҳи текис бўлган ва унчалик қия бўлмаган участкаларда ўқариқлар 60 — 80 метр оралиқда, қиялиги каттароқ бўлган далаларда эса 100 — 150 метр оралиқда олинсин.

Суғоришнинг юқори сифатли бўлишини та'минлаш учун қатор оралари 45—52 сантиметр қилиб экилган далаларда суғориш эгатларининг узунлиги қатор оралари 60 сантиметр бўлган ерлардагига нисбатан тахминан 20—25 процент камроқ бўлиши лозим.

Вақтинча суғориш ариқлари қатор оралаларини кўндалангига ишлашга тўсқинлик қилмаслиги учун битта вақтинча суғориш ариғи ўрнига кичикроқ бирнеча ариқ олиш тавсия қилинсин, нишаблиги яхши бўлган ерларда эса сув бирнеча эгат ўртасида тақсимлаш учун чуқур эгатлар бўйлаб транзит усулда қўйилсин, суғориш учун берилган ҳарбир кубометр сувдан тежаб фойдаланилсин.

5. Чигит экиш учун ажратилган ер майдонининг ҳар гектаридан, ҳар метридан тўла фойдаланиш учун қат'ий кураш олиб борилсин.

Ҳамма колхоз ва совхозда, бригада ва звеноларда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлиши ҳамда биртекис жойлаштирилиши та'минлансин.

Шу мақсада:

а) сийрак чиққан жойларга жуда қисқа муддат ичида яхши ивитилган чигит қўшимча экилсин ва чиринди-тупроқ тувакчаларда ўстирилган ғўза кўчатлари ўтқазилсин;

б) участкаларнинг четларига ва бурчакларига, шунингдек, вақтинча суғориш ариқларининг ва ўқариқларнинг ёқаларига чигит экиш ҳамма бригадаларда дарҳол тамомлансин;

в) чигит экилган майдонлар агрономларнинг ва ер тузувчиларнинг раҳбарлигида ўлчаб чиқилсин, шу блан бирга, ғўза туплари қалинлиги ҳисобга олинсин ва кам экиш, чигит сийрак чиқиш, шунингдек, бурчаклар, ариқ ва йўл ёқаларини экмай қолдириш фактлари аниқланган тақдирда бу ерларга чигит экиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилсин.

### Ғўзани яганалаш ва парвариш қилиш юзасидан

6. Ғўза яхши кўкариб чиққан ёки яхши униб чиқишга ишонч бўлган участкаларда оддий усулда экилган ғўза машина блан яганалансин (букетлаштирилсин).

7. МТСларнинг колхозлардаги агрономлари ва совхозларнинг агрономлари далачилик бригадалари ва колхоз правлениелари блан биргаликда ғўзаларнинг аҳволини тезликда пухта текшириб чиқишлари ҳамда оддий усулда экилган ерларда ғўзаси машина блан яганаланадиган далаларни ажратишлари лозим, токи ғўза туплариии квадрат-уялаб жойлаштириш юзасидан берилган умумий топшириқ бажарилибгина қолмай, балки ҳарбир совхоз, колхоз ва МТСда ошириб бажарилсин.

8. Квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб экилган майдонларни ва ғўзани машина блан яганалаш (букетлаштириш) ҳажмини назарга олиб, ҳарбир колхозда ғўзаларни ҳарбир схема бўйича кўндалангига ишлаш учун зарур миқдорда трактор ва культиваторлар белгилансин ҳамда культиватор ва тракторларга ўрнатиш беш кун муддат ичида тугаллансин. Бу ишни ўтказиш учун МТС ва совхозларда махсус бригадалар ташкил қилинсин.

Из оралиги 1800 миллиметрлик тракторлар етишмаган тақдирда 60 x 45 схемаси бўйича кўндалангига ишлаш учун орқа ғилдираклари бўртиб турган томони блан ичга қаратиб ўрнатилган ва У-4 тракторининг олдинги ғилдираклари ўрнатилган «универсал-3» трактори ишлатилсин, культиваторлар етишмаганда, кўндалангига ишлаш учун пичоқли чизеллардан кенг фойдаланилсин.

9. Барча МТС ва совхозларда қолган ҳамма культиватор ва ўғитлагичларни ремонт қилиш ва тракторга ўрнатиш яқин кунларда тамомлансин, бу ишда банд бўлган ремонт бригадаларининг состави кучайтирилсин.

10. Квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб экадиган сеялкалар блан экилган далаларда ғўзаларнинг аҳволи айниқса қатиқ контроль қилиб турилсин, токи кўндаланг қаторлар белгиланиши блан дарҳол кўндалангига ишлашга киришилсин.

Қатқалоқ пайдо бўлган далаларда қатор ораларини кўндалангига ишлашгача ротацион юлдузчалар блан ускуналанган культиваторлар блан ёки ротацион матигалар блан кўндалангига ишлансин.

11. Квадрат-уялаб ёки тўғри бурчак-уялаб экадиган сеялкалар блан экилган участкаларда қатор ораларини биринчи ишлаш, албатта, букетларни қўл блан ростлаб чиққунча, я'ни ғўзани қўл блан яганалагунча ўтказилсин. Бунда тупроқни юмшатиш ва кўндаланг қаторлардаги бегона ўтлар йўқотилибгина қолмасдан, балки кўндаланг қаторларнинг эгрилиги ва ҳажми ҳам тузатилади, бу эса бундан кейинги кўндаланг ишловлар учун яхши шароит яратиб беради.

Уялаб ва қатор қилиб экилган ерларда машина блан букетлаштириш учун пичоқларни шундай ўрнатиш керакки, юмшатиладиган доира катор оралари 45 сантиметр бўлганда, 30 сантиметр бўлсин; қатор оралари 50 сантиметр бўлганда — 35 сантиметр, қатор оралари 52 сантиметр бўлганда — 37 сантиметр ва қатор оралари 60 сантиметр бўлганда — 45 сантиметр бўлсин. Ҳарқандай схема блан экканда ҳам юмшатилмай қолган доира кенглиги 15 сантиметрдан, қатор ўртасидан ҳар икки томонга 7,5 сантиметрдан ортмасин.

Оддий усулда экилган ерларда ғўзаларни машина блан букетлаштириш учун белгиланган культиваторлар ССК сеялкаларидан олинган маркерлар блан та'минлансин; токи биринчи из олинган линия бўйича ўтказилсин, қолганлари маркер изи бўйлаб олиб борилсин.

Квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб экилган ерларда ғўза қатор оралаларини биринчи марта ишлаганда, шунингдек, оддий усулда экилган ерларда ғўзаларни машина блан букетлаштирганда пичоқлар 4—6 сантиметр чуқурликда ўрнатилсин. Машина блан кўндалангига ва узунасига ўтказиладиган дастлабки культивация тракторлар биринчи тезликда юргизиб ўтказилсин.

12. Букетларни қўл блан ростлаб чиқиш механизация блан букетлаштиргандан кейин кўндаланг қаторлар томонига қаратиб ўтказилсин, ҳарбир уяда энг соғлом ғўзалар зарур миқдорда қолдирилсин. Шу блан бирга, букет узунлигини 10 сантиметргача камайтиришга ҳаракат қилиш, биринчи навбатда четдаги нимжон ғўзаларни олиб ташлаш ва ғўзаларни уя ўртасида ғуж қилиб қолдириш керак.

Колхозларга квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб экилган участкаларда букетларни қўл блан ростлаб чиқишни икки марта ўтказиш тавсия қилинсин: биринчи марта дастлабки чинбарг пайдо бўлганда ўтказилиб, ҳар уяда схемада кўзда тутилганига нисбатан бир-икки туп ғўза ортиқ қолдирилсин; иккинчи марта— учинчи ёки тўртинчи чинбарг пайдо бўлганда ўтказилиб, ортиқча ҳамма ғўзалар юлиб ташлансин.

13. Оддий усулда экилган ва узунасига ишлаш учун белгиланган; лекин чигит биртекис униб чиққан далаларда ғўзалар машина блан яганалансин, ундан кейин кўндалангига ишлаш усули қўлланилмасин, иш органлари — пичоқлар шундай ўрнатилсинки, қирқиладиган ва қирқилмайдиган доира 15 сантиметрдан навбатма-навбат жойлашган бўлсин.

Яганалашда механизмлардан фойдаланиш ишни анча тезлаштиради, шунингдек, бегона ўтларни йўқотишни ва тупроқни юмшатишни та'минлайди, бу эса ғўзаларнинг яхши ўсишига ва ривожланишига ёрдам беради. Бундай далаларда букетларни ростлаб чиққанда, зарур миқдорда ғўзалар ғуж қилиб қолдирилсин, токи ҳарбир участкада ғўза тупларининг қалинлиги юзасидан белгиланган топшириқнинг бажарилиши та'минлансин.

14. Оддий усулда экилган ерларда қўл блан яганалаш қисқа муддатларда ўтказилсин, бу иш ғўзаларда иккинчи чинбарг пайдо бўлишидан кечикмай тамомлансин. Қатор қилиб экилган ерларда ғўзаларни яганалашни букетларни қўл блан ростлаб чиқиш блан бирга ўтказилишига йўл қўйилмасин. Ғўзани яганалаш ва букетларни ростлаб чиқиш учун энг тажрибали колхозчилар ажратилсин.

15. Колхозчиларга ва совхоз ишчиларига кенг тушунтирилсинки, бутун далада ғўза туплари қалинлиги оптимал даражада бўлишини та'минлаш, ғўза туплариии тўғри, биртекис жойлаштириш ҳосилни оширишда кучли фактордир, ғўза туплари ниинг сийрак бўлиши эса, кам экиш сингари чидаб бўлмаслик бир ҳолдир. Колхоз ва совхозларда ҳар гектар ерда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг 1955 йил 16 апрельдаги 80-нчи сонли буйруғига мувофиқ, ғўза туплари қалинлиги (ҳосилни йиғиб-териш пайтида) зарур миқдорда бўлиши та'минлансин, чунончи:

а) ерости сувлари чуқур бўлган бўз тупроқ, шунингдек, шўрланган ерларда гектарида 100—110 минг туп бўлсин;

б) унумдор, ўтлоқ ва ўтлоқ-захкаш тупроқ ҳамда шўрланмаган захкаш ерларда 80—95 минг туп бўлсин;

в) кучсиз тупроқли далаларда 120 — 140 минг туп бўлсин;

г) шартли суғориладиган ерларда 75—85 минг туп бўлсин.

16. Қаторлаб экилган ерларда культивация қилинганда кейин ғўза туплари оралиғи кетман блан юмшатилсин.

Квадрат-уялаб экилган ерларда юқори сифатли қилиб узунасига-кўндалангига ишланганда, бутун дала яхши, сув-ҳаво режими нормал бўлишини та'минлайдиган қилиб ишланганлигини назарга олиб, бундай ерларда чопиқ ўрнига бегона ўтларни ўтаб чиқилсин (уялардаги тупроқни юмшатмасдан ёки енгил юмшатиш блан бегона ўтлар юлиб ташлансин).

17. Колхоз раҳбарларига, совхоз бўлимларининг ва далачилик бригадаларининг раҳбарларига кенг тушунтирилсинки, чигит тўла ундириб олингандан кейин, ғўзаларнинг яхши ривожланишини та'минлаш учун, ғўзалар бўйига ўртача ўсган ҳолда ҳосил элементларини кўп тўплаш ва кўсакларни эрта етилтириш учун суғоришни тўғри ўтказиш ва даставвал биринчи суғоришни ўз вақтида ўтказиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу суғоришни ғўзаларнинг аҳволини алоҳида э'тиборга олиб ўтказиш керак, токи вақтидан олдин суғориш блан ғўзаларнинг ривожланишига халал етказмаслик, ўсишнинг ривожланишдан ўзиб кетишига йўл қўймаслик керак.

18. Трактор ва от қўшиб ишлатиладиган, шунингдек, қўл блан ишлатиладиган ҳамма дорилаш аппаратлари тўла равишда тахт қилиб қўйилсин, зарур заҳарли моддалар омборлардан колхозларга ўз вақтида ташиб келтирилсин ва қишлоқ хўжалик ҳашаротлари тушган далаларни дорилашга дарҳол киришилсин.

### Ғўза парваришининг сифати юзасидан

19. МТС ва совхоз директорлари ғўза қатор ораларинии ишлашни уюштиришда трактор ишларининг ва бошқа ишларнинг юқори сифатли бўлишини та'минлашни асосий вазифа деб ҳисоблашлари керак. Ҳамма дала ишларининг сифати устидан қаттиқ контроль ўрнатилсин. Агротехника талабларини бузиб қилинган ишлар брак ҳисоблансин ва айбдорлар ҳисобига қайтадан ишлатилсин.

20. Беш кун муддат ичида ҳарбир МТС ва совхозда инструктаж — трактор, культиваторларни тўғри монтаж қилиш, тартибга солиш ва созлаш усуллари кўрсатиб берилсин, токи шу блан ғўза қатор ораларинии узунасига ва кўндалангига ишлашюқори сифатли ўтказилсин.

Трактор бригадаларининг бригадирларига ва агрономларга оптимал иш муддатлари ҳақида ва иш органларини турли иш шароити учун тўғри танлаш ҳақида пухта инструктаж берилсин, токи бегона ўтларни тамомила йўқотишга ва тупроқни энига ва чуқурлигига яхши, донадор қилиб ишлашга эришилсин.

Инструктаж вақтида МТС ва совхозлардаги ҳамма мутахассисларнинг, даставвал агрономлар, трактор бригадалари бошлиқлари, универсалчи-тракторчиларнинг, шунингдек, колхоз раҳбарлари, совхоз бўлимлари ва далачилик бригадалари раҳбарларининг иштирок қилиши та'минлансин.

21. Трактор культивацияси вақтида юмшатиладиган ер кенглиги бўйича МТС ва колхозлар учун қуйидаги талаблар белгилансин (сантиметр ҳисобида):

| | Қатор оралари кенглиги | | |
|---|---|---|---|
| | 60 см | 45 см | 52 см |
| **Узунасига культивация қилганда:** | | | |
| пичоқлар блан ишланганда | 36—40 | 23—25 | 30—32 |
| наральниклар блан ишлаганда | 32—35 | 20—22 | 27—29 |
| **Кўндалангига культивация қилганда** (машина блан яганалашдан ташқари.): | | | |
| пичоқлар блан ишлаганда | 30—33 | 16—18 | 23—25 |
| Наральниклар блан ишлаганда | 28—30 | 13—15 | 20—22 |

Ғўза қатор ораларинии ишлаш даврида даланинг тобига қараб, культивация чуқурлиги узунасига культивация қилганда, четки иш органлари учун 8—10 сантиметр ва ўртадаги иш органлари учун 12—15 сантиметр, кўндалангига культивация қилганда, четки иш органлари учун 6—10 сантиметр ва ўртадаги иш органлари учун 10—12 сантиметр белгилансин.

22. Культиваторларнинг пичоқларини, ўқсимон панжаларини ва наральникларини ўз вақтида чархлаб туриш та'минлансин, ўтмас ва яхши ўрнатилмаган иш органлари блан, шунингдек, иш органлари ўрнатилмаган ҳолда ишлаш қат'иян тақиқлансин.

Даланинг тобига қараб тегишли иш органлари қўлланилсин:

а) суғоришдан олдин культивация қилганда, ҳарбир қатор орасида, қатор оралари кенглиги 60 сантиметр бўлганда четларда иккитадан пичоқ ва ўртада ўқсимон панжа, қатор оралари торроқ бўлганда, иккитадан пичоқ ишлатилсин;

б) суғоргандан кейин юмшатганда, ҳарбир қатор орасини ишлаш учун қатор оралари кенглиги 60 сантиметр бўлганда, узунасига ишлаш учун тўрттадан наральник ва кўндалангига ишлаш учун қатор оралари кенглиги 52 сантиметр бўлганда, учтадан наральник, қатор оралари кенглиги 45 сантиметр бўлганда, узунасига ишлаш учун учтадан ва кўндалангига ишлаш учун иккитадан наральник ўрнатилсин.

23. МТС ва совхоз бош агрономлари ғўза парваришининг сифати соҳасида давлат агрономларига, колхоз раҳбарларига ва далачилик бригадаларининг бошлиқларига нисбатан талабчанликни оширишлари лозим. МТС ва совхозларнинг давлат контролёрлари бўлган бош агрономлар ғўза парваришининг соҳасидаги трактор ишларининг ва бошқа ишларнинг сифатини кескин суратда яхшилаш учун жавобгар эканликлари огоҳлантирилсин.

24. Колхоз правлениеларига иш сифатини бузаётган колхозчиларга нисбатан қишлоқ хўжалик артели Устави асосида чора кўриш тавсия қилинсин. Қишлоқ хўжалик артели Уставининг 17 пунктига биноан, колхоз правлениеси сифатсиз ишлаганларга нисбатан тегишли чора кўради. Совхоз директорлари сифатсиз бажарилган ишларни брак қилишлари, бу ишнинг ҳақини айбдорлар ҳисобига ўтказишлари лозим.

### Ўғитлардан фойдаланиш юзасидан

25. Ғўзани озиқлантириш даврида ҳарбир далачилик бригадаси ва айрим участка учун планлари ҳосилни, тупроқ хусусиятини ва бу йилги ҳосил учун йил давомида ерга солинадиган ўғит нормасини назарга олиб, минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш планларини ишлаб чиқиш ўз вақтида тамомлансин.

Бу йил совуқ бўлиб ўтганлиги натижасида кўпгина далаларда ғўзалар анча заифлашиб, ривожланишда орқада қолаётганлигини назарда тутиб, ғўзалар маҳаллий-минерал ўғитлар аралашмаси блан эртароқ муддатларда озиқлантирилсин, ҳамма майдонда биринчи озиқлантириш 1—5 июньдан кечикмай, совхозларда 25 майгача тамомлансин.

26. Ғўзани биринчи озиқлантиришга яганалашдан кейин киришилсин. Тупроқ шароити ва ғўзаларнинг аҳволига қараб суғориш талаб қилинмаётган, лекин ўғит солиш керак бўлган далаларда ғўзани озиқлантириш иши суғоришни кутиб турмасдан ўтказилсин. Эгатлар орқали суғорилганда, ўғит ҳарбир қатор орасига солинсин.

27. Чигит эккунча суперфосфат блан ўғитланмаган участкаларда ғўза биринчи навбатда гектарига 40—50 килограмм фосфор ва 25—35 килограмм ҳисобида азот аралаштириб озиқлантирилсин.

Чигит эккунча суперфосфат блан ўғитланган далаларда ғўза биринчи эрта озиқлантиришда азот ўғитлари блан озиқлантирилсин.

Минерал ўғитлар фақат маҳаллий ўғитлар блан аралаштириб солинсин.

28. Шўрланмаган, гўнг блан етарли ўғитланмаган ва юқори ҳосил олинадиган ерларда шоналашгача азот ва фосфор ўғитлари блан бирқаторда гектарига 25 килограмм ҳисобилан калий ўғити солинсин.

29. Биринчи озиқлантириш вақтида ўғит қаторлар ёнидан қуйидагича солинсин:

| Қатор оралари кенглиги см. | Ўғитни қатордан қанча узоқликка солиш керак: шоналашгача | шоналаш бошланганда |
|---|---|---|
| 45 | 12—15 | қатор ўртасига |
| СО | 15—18 | 20—22 |

### Пахтадан юқори ҳосил олиш учун тракторчиларнинг жавобгарлигини ошириш юзасидан

30. Ғўза парваришида эгасизликни тугатиш ҳисобига трактор ва далачилик бригадаларининг ишини тўғри боғлаб олиб бориш асосида пахта ҳосилини оширишдаги анча катта резервлардан тўла фойдаланиш мақсадида «универсал» чопиқ тракторлари ҳосилни йиғиб-териб олганга қадар битта ёки иккита, истисно тариқасида ёндош учта далачилик бригадасига биркитилсин, бунда қуйидаги тартибга амал қилинсин:

а) ғўза туплари квадрат-уялаб жойлаштирилганда, қатор оралаини узунасига ва кўндалангига ишлаш, шунингдек, эгат олиш ва ғўзаларни озиқлантириш учун 50—65 гектар майдонга битта «универсал» трактори биркитилсин.

Агар далачилик бригадасида 20—30 гектар квадрат-уялаб экилган майдон ва 30—40 гектар қаторлаб экилган майдон бўлса, у вақтда бу далачилик бригадасига ҳамма экиндарни узунасига, шунингдек, кўндалангига ишлаш учун битта «универсал» трактори биркитиб қўйилсин;

б) ғўза туплари тўғри бурчак-уялаб жойлаштирилганда далачилик бригадаларига «универсал» тракторларни шундай ҳисоб блан биркитиб қўйиш керакки, далачилик бригадасидаги тўғри бурчак-уялаб ва қатор қилиб экилган ерларни узунасига ишлаш учун 70—85 гектар ерга битта «универсал» трактори, кўндалангига ишлаш учун 100—120 гектар майдонга битта «универсал» трактори ажратилсин.

Агар мазкур далачилик бригадасида қатор оралари 45 сантиметр қилиб экилган пахта майдонлари бўлса, у вақтда кўндалангига культивация қилиш учун ажратилган трактордан бу ерлардаги ғўзаларни узунасига-кўндалангига ишлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

31. Ҳарбир трактор бригадаси ва тракторчига ўзи хизмат қилаётган далачилик бригадаларидаги пахта ҳосили юзасидан план топшириғи берилсин. Трактор бригадаларининг бошлиқларига ва «универсал» тракторларда ишлаётган тракторчиларга тушунтирилсинки, қатор оралаини ишлаш юзасидан белгиланган топшириқларни МТС блан колхозлар ўртасида тузилган шартномаларда кўзда тутилган муддатларда юқори сифатли қилиб бажарганда, уларга культивация даврида ишлаган меҳнат кунларининг 25 процанти миқдорида қўшимча меҳнат кунлари ёзилади: бригада ва тракторчи хизмат қилаётган далачилик бригадасида ҳосил плани бажарилганда, уларга ўзларига биркитиб қўйилган далачилик бригадасининг далаларда ишланган ҳамма меҳнат кунларининг 10 процанти миқдорида, ҳосил планининг ошириб бажарилган бир процентига 3 процент меҳнат кунлари ёзилади.

32. Чопиқ тракторларининг ишлабчиқариш имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадида ҳарбир «универсал» тракторининг культивацияда, эгат олишда ва ғўзани озиқлантиришда эртадан-кечгача икки сменада, ҳарбир сменанинг 8 соатдан ишлаши та'минлансин. Бунинг учун «универсал» тракторлари ҳайдов тракторларидан бўшаган тракторчилар ҳисобига иккинчи смена блан та'минлансин.

33. Трактор бригадаларининг бошлиқларига ва тракторчиларга ғўза қатор оралаини ишлаш юзасидан мавсум топшириқлари, смена иш нормалари ва ёнилги сарфлаш нормалари дарҳол топширилсин. Тракторчиларга иш нарядлари берилиб турилсин, унда иш сифати жиҳатидан бўлган агротехника талаблари кўрсатилсин, универсалчи-тракторчиларнинг фақат ўзларига биркитиб қўйилган далачилик бригадаларидагина ишлаши та'минлансин ва шу асосда ишдаги эгасизлик тугатилсин, трактор ишларининг сифати оширилсин.

### Ташкилий масалалар юзасидан

34. Ғўза парваришидаги эгасизликни тугатиш ва иш сифатини яхшилаш, пахтадан юқори ҳосил олишда колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида, барча колхозларда далачилик бригадалари, шунингдек ғўза қатор оралаини ишлаш вақтида қўл блан қилинадиган ишларни бажариш учун бригадалар составидаги звенолар ҳамма йўллар блан мустаҳкамлансин.

35. Колхоз правлениеларига ғўза қатор оралаини ишлаш даври учун кунлик иш нормаларини қайтадан кўриб чиқиш тавсия қилинсин, бунда ғўза туплари квадрат-уялаб жойлаштирилган ва чигит тор-қаторлаб экилган ерларда иш нормаларини тўғри белгилашга зўр э'тибор берилсин.

Колхозларга ғўза қатор оралаини узунасига-кўндалангига ишлаш блан боғлиқ бўлган ишлар учун қуйидаги тахминий иш нормалари ва меҳнат кунлари блан тўланадиган иш баҳоси тавсия қилинсин.

| | Ўлчов единицаси | Кунлик иш нормаси | Иш группаси | Кунлик иш нормасига тўланадиган меҳнат кунлари миқдори |
|---|---|---|---|---|
| 1. Ғўза букетларини ростлаб чиқиш | гектар | 0,25—0,80 | VI | 1,75 |
| 2. Тор қаторлаб экилган ерларда узунасига культивациядан кейин чопиқ қилиш | » | 0,12—0,15 | VI | 1,75 |
| 3. Узунасига-кўндалангига ишлаган вақтда бегона ўтларни ўтоқ қилиш | » | 0,25—0,30 | VI | 1,75 |
| 4. Ўсиш давридаги суғориш: | | | | |
| а) қатор оралари 45 см. бўлганда | » | 0,40—0,50 | VII | 2,0 |
| б) қатор оралари 60 см. бўлганда | » | 0,50—0,75 | VII | 2,0 |

36. Колхоз правлениеларига колхозчиларнинг 1954 йилда ишлаган меҳнат кунлари юзасидан бўлган ҳисоб-китобни дарҳол тамомлаш, шунингдек шу йилнинг бошидан буён ишланган меҳнат кунлари бўйича колхозчилар блан ҳисоб-китоб қилиш тавсия этилсин. Келгусида қишлоқ хўжалик артели Уставидаги кўрсатмаларга қаттиқ амал қилиб, колхозчиларга пул ва натура авансларини ўз вақтида бериб турилсин.

37. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг «Ҳосил жиҳатидан орқада қолаётган колхозларни ташкилий-хўжалик томондан мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида» 1955 йил 25 январьда чиқарган 18-нчи сонли буйруғи қандай бажарилаётганлиги область қишлоқ хўжалик бошқармалари ва МТС раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг кучлари блан текшириб чиқилсин. Текшириш вақтида аниқланган камчиликлар тугатилсин ва конкрет шароитни назарга олиб, ҳарбир қолоқ колхозга кўшимча ёрдам бериш тадбирлари белгилансин, бу колхозларга энг яхши механизаторлар ва зарур миқдорда техника ажратилсин.

Қолоқ колхозларни илғорлар даражасига етказиб олиш масаласи худди ҳозирги даврда ҳал этилаётганлигига МТС директорларининг э'тибори жалб қилинсин.

МТС блан колхозлар ўртасида тузилган шартномаларнинг қолоқ колхозларда қандай бажарилаётганлиги энг ками ойда бир марта текшириб турилсин, МТС ва колхозларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларига сўзсиз риоя қилишлари та'минлансин, ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари кўрилсин. Текшириш натижалари МТС Советларида муҳокама қилинсин.

38. Мавжуд дала шийпонларини тартибга келтириш ва янги дала шийпонлари қуриш тадбирлари кўрилсин, дала шийпонлари зарур жиҳоз-асбоблар, радиоприёмниклар, адабиётлар, газеталар блан та'минлансин, токи ғўза қатор оралаини ишлашда банд бўлган колхозчилар ва трактор бригадаларининг ишчилари учун нормал маданий-маиший шароит яратиб берилсин.

Ҳарбир колхозда доимий болалар яслилари ва болалар боқчалари, ҳарбир далачилик бригадасида мавсумий ясли ва майдончалар ташкил қилиш та'минлансин, улар зарур бўлган ҳамма асбоблар блан та'минлансин.

39. Тракторчиларни офтобдан сақлаш учун ҳамма тракторлар соябондар блан та'минлансин. Агрегатларга техника жиҳатидан узлуксиз хизмат кўрсатиб туриш ташкил қилинсин, тракторчиларга нормал маданий-маиший шароит яратиб берилсин, улар иссиқ овқат блан та'минлансин.

Тракторчилар ва бошқа механизатор кадрлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар кучайтириб юборилсин, меҳнат унумдорлигини ошириш, дала ишларини сифатли қилиб бажариш ва ҳарбир тракторчининг смена иш нормаларини бажариши учун механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа ташкил қилинсин. Ғўза парвариши ишида, айниқса ғўза қатор оралаини узунасига-кўндалангига ишлашда юксак кўрсаткичларга эришган илғор трактор бригадалари ва айрим тракторчиларнинг муваффақиятлари ҳамма йўллар блан оммалаштирилсин.

* * *

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги барча қишлоқ хўжалик органларининг, МТС ва совхозларнинг раҳбарлари, агрономлари ва механизаторлари барча колхоз ва совхозларда чигитни ҳамма ерда энг қисқа муддатларда тўла ундириб олиш ва ғўзанинг ривожланишида юз берган қолоқликни тугатиш соҳасида ғайрат блан ишлашни ташкил қиладилар деб ишонч билдирадилар.

Ушбу тадбирларни МТС ва совхозларда, ишлабчиқариш кенгашларида, колхозларда эса актив кенгашларида муҳокама қилишни, табақалаштирилган агротехника тадбирларини ишлаб чиқишга пахтачилик илғорларини кенг жалб қилишни, бу тадбирларни маҳаллий шароитни, фан муваффақиятларини ва илғор иш тажрибаларини ҳисобга олиб, ижодий қўлланишни та'минлашни тавсия қиламиз.

## Чехословакия фашист оккупациясидан озод қилинганлигининг ўнйиллиги

# Ўртоқ Л. М. Каганович нутқи

Қадрли ўртоқлар! Бугун Чехословакия халқлари ўзларининг улуғ миллий байрамларини — Чехословакиянинг ва унинг ажойиб пойтахти Прага шаҳрининг немис-фашистлар оккупациясидан озод этилганлигига ўн йил тўлган кунни байрам қилмоқдалар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети номидан ва уларнинг топшириғи блан, Чехословакия меҳнаткашларининг самимий ва содиқ дўсти бўлган совет халқи номидан сизларни ғалаба байрами блан табриклайман ва сизларга қизғин большевистик салом топшираман. **(Ҳамма ўрнидан туради. Бутун зал овация қилади, «Ура!» деган хитоблар).**

Чехословакия озод қилинган кунининг ўнйиллиги тарихий кунга — совет халки ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари Франция, Англия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг халқлари блан жанговар ҳамкор бўлиб, гитлерчилар Германияси устидан қозонган жаҳоншумул-тарихий ғалабанинг ўнйиллик куни блан бир вақтга тўғри келади. Чехословакиянинг озод қилинганлиги ана шу ажойиб ғалабанинг ажралмас қисмидир. Чехословакиянинг шавкатли жангчилари ғалабалар тарихига шонли саҳифа ёздилар.

1945 йилнинг унутилмас май кунларида, Совет Иттифоқи халқлари бутун прогессив инсоният блан биргаликда инсониятнинг йиртқич душмани гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалаба Кунини тантанали равишда шодиёна байрам қилаётган вақтда Прага ҳали озод қилинмаган эди. Берлинда тор-мор келтирилган немис фашистлари Прагада мустаҳкам ўрнашиб олишга уринмоқда эдилар.

Қўзғолон кўтарган Прага меҳнаткашлари сон жиҳатидан ўзларига қараганда анча кўп бўлган ва таққослаб бўлмаслик даражада яхшироқ қуролланган душманга қарши жанг қилиб, радио орқали Совет Армиясига ёрдам сўраб мурожаат қилдилар.

Прагадан бирнеча юз километр нарида бўлган Совет Армияси ўз чехословак қардошларининг чақиригига жавобан мисли кўрилмаган қисқа муддат ичида жуда қийин йўл босиб ўтиб, Прага районида немис-фашист қўшинларининг катта тўдасини тугатди, Чехословакиянинг юз минглаб кишиларини қирилишдан сақлаб қолди, Прага шаҳрини эса вайрон бўлишдан сақлаб қолди. **(Гулдурос қарсаклар).**

1945 йил 9 майда Прага озод қилинди ва чехословак халқи барча халқлар блан бирликда шонли ғалаба кунини байрам қилди. **(Қарсаклар).**

Чехословакиянинг озод қилиниши Совет Армияси томонидан кўрсатилган қаҳрамонликнинг ҳам, шунингдек чехословак халқининг ўзи олиб борган мардона курашнинг ҳам натижаси бўлди. Чехословак халқи ўзининг шонли Коммунистик партияси раҳбарлиги остида гитлерчи оккупациячиларга ташкилий равишда қаршилик кўрсатди, чехословак корпусини ташкил этди. 1944 йил август ойида Словакияда халқ қўзғолонини кўтарди ва 1945 йил май ойида Прагада меҳнаткашлар кўзғолонини кўтарди. Бу қаҳрамонона курашда чехословак халқининг ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун кўп асрлар давом қилган курашининг энг яхши революцион традициялари давом эттирилди ва янада ривожлантирилди. **(Давомли қарсаклар).**

Чехословакиянинг озод қилинганлиги натижасида чехословак халқининг тарихида янги саҳифа — чинакам миллий эркинлик ва мустақиллик даври, янги ҳаёт қуриш ва Чехословакиянинг Совет Иттифоқи блан абадий дўстлик даври бошланди.

Буни шу муносабат блан эсда тутиш керакки, Чехословакияга нисбатан ўз зиммаларига жиддий мажбуриятлар олган империалистик давлатлар 1938 йилги Мюнхеннинг қора кунларида унга шармандаларча хиёнат қилдилар, немис фашистлари Чехословакияни босиб олиб, уни эркинликдан ва мустақилликдан маҳрум қилган, мамлакатни парчалаб ташлаган, унинг бойликларини талаган, унинг халқларини қийнаб, азоб бераётган йилларда чехословак халқига ёрдамга келмадилар. Илгари Чехословакияда ҳукмронлик қилган буржуазия ва помещиклларнинг айби яна шу блан чуқурлашадики, улар Совет Иттифоқи ҳукумати томонидан Чехословакиякга таклиф қилинган ҳарбий ёрдамни рад этдилар. Ма'лумки, Совет Иттифоқи қўшинлари чегараларга келтириб қўйилган эди ва улар Чехословакияга ёрдам беришга тайёр бўлиб турган эдилар, лекин Чехословакиянинг буржуа ҳукумати инглиз-француз империалистларининг тазйиқи остида курашишдан бош тортди, немис фашистлари олдида таслим бўлди ва Совет Иттифоқи томонидан таклиф этилган ёрдамни барбод қилди.

Бу тўғрида айниқса ҳозир, ғарб давлатларининг ҳукмрон империалистик доиралари ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятларини қўпол равишда паймол қилиб, шошма-шошарлик блан герман милитаризмини тиклаётган, вермахтни барпо қилиб, уни қуроллантираётган ҳозирги пайтда айниқса эслатиб ўтиш зарур. Улар Ғарбий Германияда авж олдирилаётган ва ўзининг заҳари тиғи блан Совет Иттифоқига, халқ демократияси мамлакатларига қарши қаратилган реваншчилик жазаваснни актив равишда қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет Армияси бошқа мамлакатларнинг халқлари каби Чехословакия халқларини ҳам босқинчи герман империализми асоратидан озод қилиб, ўзининг улуғ халоскорлик вазифасини шараф блан бажарди. Совет Иттифоқи Европанинг бошқа халқлари каби Чехословакия халқлари учун ҳам энг оғир кулфатли йилларда уларга қардошларча ёрдам қўлини чўзиб, бу блан ўзининг халқларнинг озодлиги ва миллий мустақиллиги учун ишончли таянч эканлигини бутун дун'ёга амалда кўрсатди. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи халқлари Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг халқлари блан биргаликда урушнинг ғалаба блан тугаганига ўн йил тўлган кунни байрам қилмоқдалар. Биз ғалабани нишонлаш ёқимли ва қувончли бўлгани учунгина байрам қилиб қолмасдан, тинчлик йўлидаги курашни янада кенг авж олдириб юбормоқ учун, империалистик босқинчиликнинг халқлар бошига тушган шуқадар оғир кунлари ва йилларининг эндиликда асло такрорланмаслиги учун, ҳуш'ёрлигимизни, уюшқоқлигимизни, сафарбар бўлиб туришлигимизни янада кўпроқ ошириш учун ҳам бу шонли Ғалаба Кунини байрам қилмоқдамиз.

Европани ва бутун дун'ёни янги уруш гирдобига ташлашни, халқларни курашиб қўлга киргизган озодлик ва мустақилликдан маҳрум этишни истаётганлар шу нарсани эсда тутишлари лозимки, биз ғалабани байрам қилиш блан уларга исталган вақтда қақшатгич зарба беришга ўзимизнинг тайёр эканлигимизни мустаҳкамлаймиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Агар тор-мор келтирилган гитлерчи империализм ўрнини олишга уринаётган ва тинчликка, халқлар таҳдсизлигига ва ижодий меҳнатига яна таҳдид солаётган агрессив империалистик кучлар активлашиб қолмаганларида эди, Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша ва бошқа мамлакатлар халқларининг уруш йилларида бошидан кечирган оғир кунлар тўғрисидаги хотираларни бугун такрорлаб ўтириш ҳам даркор бўлмас эди.

Бугун бундан ўн йил муқаддам эришилган ғалабанигина эсга олиш блан кифояланмай, шу блан бирга, фашистлар партиясини ҳокимият тепасига чиқариб қўйган босқинчи герман империализмининг Европа ва бутун дун'ё халқларига қарши босқинчилик урушини бошлаб юборганлигига нималар сабаб бўлганлигини ҳам эслатиб ўтиш зарур.

Германия биринчи жаҳон урушида маглубиятга учраганидан кейин, кўп кишилар герман империализми тор-мор келтирилди ва у энди бош кўтараолмайди, деб ўйлаган эдилар. Бироқ, у, бош кўтарибгина қолмади, шу блан бирга, биринчи жаҳон уруши арафасидагига қараганда ҳам янада агрессивроқ кучга айланди. Германия урушга тайёрланмоқ ва ўзини энг янги қурол-яроғлар блан та'минламоқ учун ўзининг оғир индустриясини ва, дастлаб, Рурдаги металлургияни ва ҳарбий саноатини тиклаб олиши ва ривожлантириши лозим эди. Германия бу ишни Германия экономикасига миллиард-миллиард доллардан иборат маблағ сарфлаган ва Германияга кредитлар берган америкали монополиячиларнинг жуда катта ёрдами блан бажарди.

Бироқ, Америка империалистлари Германиянинг ҳарбий саноат потенциалини тиклашга ва ривожлантиришга ёрдам бериш блангина кифояланмадилар. Улар Германиядаги Рур саноат магнатлари, банкирлар ва йирик помещиклар — юнкерлар блан биргаликда фашист йиртқични ўз бағриларида тарбиялаб вояга етказдилар ва бу фашист йиртқич шафқатсизлиги жиҳатидан мисли бўлмаган урушни бошлаб юборди ва жуда қаттиқ маглубиятга учради.

Америка, Англия ва Франциянинг ҳукмрон реакцион доиралари герман милитаризмининг агрессив босқинчилик ҳаракатларига ҳомийлик қилиш сиёсатини ўтказиб, немис империализмининг экспансиясини Шарққа, Совет Иттифоқига қарши йўналтирдилар.

Ғарб мамлакатларининг империалистлари гитлерчиларнинг СССРга босқинчилик блан ҳужум қилишига мукофот тариқасида Австрияни, Чехословакияни , сўнгра эса, Европанинг бошқа мамлакатларини ҳам гитлерчилар чангалига топширдилар. Ма'лумки, Франция ҳам бу жинояткорона сиёсатнинг қурбони бўлди ва Англиянинг ҳам бунга қурбон бўлишига сал қолди.

Мана шуларнинг ҳаммасини бугун эсга олиб ўтишимиз зарур, чунки ҳозир ҳам АҚШ ва Англия империалистлари ҳақиқатда яна ўша сиёсатни ўтказиб, Париж битимлари асосида герман милитаризмининг тикланишига ёрдам бермоқдалар ва Ғарбий Германия вермахтини қайта тикламоқдалар, бу вермахтдан Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига қарши ўзлари тайёрлаётган агрессив империалистик урушда зарбдор куч тариқасида фойдаланиш ниятидадирлар.

Бироқ, империалистлар ва уруш оловини ёқучилар ўзларининг фашист ўтмишдошларининг сабоқларини жуда яхши ўзлаштириб олишлари зарур. Улар немис фашистларининг да'волари оқибат натижада нима блан тугаганлигини яхши эсда тутишлари лозим. Бу да'волар герман империализмининг маглубиятга учраши ва халқларнинг ғалаба қозониши блан тугади.

Босқинчи герман империализмининг ўз ҳукмронлигини жаҳонга ўрнатиш тўғрисидаги мақрли плани барбод бўлди. Ма'лумки, бу план Европа халқларини, айниқса славян халқларини қул қилиб олишдан, Совет Иттифоқини емириб ташлашдан, «паст ирқлар» деб аталган халқларни немис юнкерлари ва капиталистларига бўйсундиришдан иборат бўлган эди. Шу мақсад блан фашист варварлар мамлакатларни босиб олабердилар, миллион-миллион кишиларни қириб ташлабердилар. шаҳарлар ва қишлоқларни вайрон қилабердилар, халқларнинг асрлар бўйи қаттиқ меҳнат қилиши натижасида вужудга келган моддий ва маданий бойликларни емириб ташлайбердилар. Халқлар ўша оғир даврни асло унутмайдилар!

Улуғ Ватан уруши рус халқи бошчилигидаги СССР халқларининг Ленин байроғи остида. ўзининг жонажон Коммунистик партияси ва унинг йўлбошчиси Ўртоқ Сталининг раҳбарлиги остида қозонган жаҳоншумул-тарихий ғалабаси блан тугади. **(Давомли қарсаклар).**

Бу ғалаба немис-фашист империализмининг ўзининг «енгилмаслиги» ҳақида чиранган армиялари устидан қаҳрамон Совет Армиясининг қозонган жуда ажойиб ҳарбий ғалабаси бўлди. Бу ғалаба совет ижтимоий тузумининг ва кўлмиллатли давлатининг фашистлар тузуми устидан, социалистик хўжалик системасининг капиталистик хўжалик системаси устидан қозонган ғалабаси бўлди.

Шу блан бир вақтда, бу ғалаба марксизм-ленинизм идеологиясининг гитлерчилар ҳамда уларнинг империалистик лагерьдаги дўстлари тарғиб қилган буржуа-фашист ирқчилик сафсаталари устидан қозонган улуғ ғалабаси бўлди, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик идеологиясининг ғалабаси бўлди. **(Қарсаклар).**

Гитлер устидан қозонилган ғалабадан кейин, халқлар жаҳонда мустаҳкам тинч ҳаёт кечириш даври бошланади, деб орзу қилган эдилар, афсуски бундай аҳвол вужудга келмади. Гарчи гитлерчи империализмга қарши урилган бўлсалар ҳам, лекин унинг меросхўри бўлишни орзу қилиб келган империалистик давлатлар уруш тамом бўлган куннинг эртасигаёқ тинчликка қарши, тинч халқларга қарши фитналар тайёрлашга киришдилар.

Америка - Англия империалистлари урушдан кейин Совет Иттифоқи заифланиб ва дармонсизланиб қолади, деб умид қилган эдилар, улар Совет Иттифоқи шу империалистларнинг Европада ва бутун дун'ёда ўз ҳукмронликларини ўрнатишларига халақит бераолиши ўёқда турсин, ҳатто ўзи ҳам империалистлар олдига тиз чўкиб келишга мажбур бўлади, деб ўйлаган эдилар.

Бироқ, тарихнинг бориши уларнинг умидларини пучга чиқарди, тарих блан муросаси келишмаган, аммо, ўз моҳияти жиҳатидан авантюралар блан жуда аҳил бўлган империалистларнинг неча марталаб умидлари шу тарика пучга чиққан эди. (Залда жонланиш). Ҳақиқатда шундай бўлиб чиқдики, Совет Иттифоқи урушдан кейин кучли бўлиб қолди ва капиталистларга тиз чўкиб бормадигина эмас, ҳатто халқ демократияси лагеридаги ўз қардошларига ўз мустақилликларини сақлаб қолиш ва ўзларининг ёш халқ-демократик республикаларини яшнатишларини та'минлаш учун катта-катта ёрдамлар ҳам берди. **(Қарсаклар).** Албатта, бу нарса империалистнинг кўнглига хуш келмайди.

Европада ва бутун дун'ёда иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган тўбли ўзгаришлар АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатларнинг империалистларига ёқмайди. Капитализм ўзининг анчагина жойини бўшатиб беришга мажбур бўлганлиги ва Совет Иттифоқи блан бирқаторда Хитой Халқ Республикаси, Чехословакия Республикаси ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари пайдо бўлиб, 900 миллион кишига эга бўлган тинчлик, демократия ва социализмнинг қудратли ва енгилмас лагерида жипслашганлиги уларга ёқмайди. **(Қарсаклар).** Бу лагерь халқлари эксплуататорларни ва помещиклларни ҳайдаб юборганликлари, меҳнаткашларнинг халқ ҳокимиятини ўрнатганликлари ва янги, социалистик ҳаёт қуриш йўлида қолибона бораётганликлари уларга ёқмайди.

Америка империалистлари «Маршалл плани»ни ўртага ташлаш блан, агар та'бир жойиз бўлса, урушдан кейинги даврнинг тарихини алдамоқчи бўлдилар ва шу план ёрдами блан бирқанча мамлакатларни ўзларига бўйсундириб олишга уриндилар. Лекин улар ба'зи мамлакатларнинггина ҳукмрон доираларинигина ўзларига бўйсундиродилар, холос, аммо, улар шу мамлакатларнинг халқларини бўйсундираолмадилар ва ҳеҳқачон бўйсундираолмайдилар. Уларнинг «ёрдами» хўжаликнинг барқ уриб ривожланишига олиб келмадигина эмас, ҳатто бу ёрдам ўсиш сур'атларининг секинлашиб қолишига, нормал савдо муносабатларининг бузилишига олиб келди. Уларнинг «холис» ёрдами шунга олиб келдики, бу ёрдамни олган мамлакатлар ўз суверенитетларини ва мустақилликларини тобора кўпроқ йўқотмоқдалар. Халқлар буни кўриб турибдилар, уларни алдаш қийин ва шу сабабли, халқларнинг АҚШ сиёсатидан норозилиги ўсиб бормоқда.

Ма'лумки, Совет Иттифоқи ва у блан бирликда халқ демократияси мамлакатлари, шу жумладан Чехословакия Республикаси ҳам, бу «ёрдам»ни рад қилдилар ва урушда вайрон бўлган ўз хўжаликларини ўз кучлари блан тиклабгина қолмасдан, шу блан бирга, урушгача бўлган даражага нисбатан, маршаллаштирилган мамлакатларга нисбатан ҳам анча олға силжидилар. Империалистлар буни кўриб яна ҳам қутурмоқдалар.

Лекин улар ҳарқанча қутурсалар ҳам, фактлар ўжар нарсадир. Фактлар эса, доллар ёрдамини рад қилган халқ демократияси мамлакатлари ўз хўжаликларини анча тез ва самарали ривожлантираётганликларини, аммо, шу блан бир вақтда Маршалл планининг «ёрдами» блан ўз оёқ-қўлини боғлаб қўйган буржуа мамлакатларида хўжалик секинроқ ривожланаётганлигини, савдо-сотиқ ишдан чиққанлигини ва бу мамлакатлар кўпинча халққа кераксиз бўлган Америка товарларининг зўрлик блан келтириладаётганлигидан ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўлаётганликларини кўрсатиб турибди. Катта ва кичик мамлакатларда ҳам шундай бўлаётир, чунки гап мамлакатнинг катта-кичиклигида эмас, балки бўлиб турган ҳодисанинг ўзидадир.

Чехословакия блан Францияни олиб таққослаб кўрайлик. Дурust, территория жиҳатидан ҳам, аҳоли жиҳатидан ҳам бу мамлакатлар ўртасида тафовут бор. Меникча, катта давлат бўлган Францияни ундан кўра кичикроқ бўлган, лекин саноати ривожланган, маданиятли Чехословакия блан таққосласак, Францияни асло ранжитмаган бўламиз.

Таққосламоқ учун бирнеча рақамни айтиб бераман:

Чехословакия ва Франциядаги саноат ишлабчиқаришининг индекси (1937 йил 100 деб қабул қилинган тақдирда) қуйидагича бўлди: 1950 йилда Чехословакия — 145, Франция — 124; 1954 йилда Чехословакия —220, Франция —154.

Чўян ишлаб чиқариш 1954 йилда 1937 йилга нисбатан Чехословакияда 66,7 процент кўпайди, Францияда эса фақат 13 процент кўпайди; пўлат эритиш Чехословакияда — 89,7 процент, Францияда фақат 34 процент кўпайди; прокат ишлаб чиқариш Чехословакияда— 69,6 процент, Францияда—30 процент кўпайди. **(Залда жонланиш).**

Биз Франциядаги сур'атларнинг секинлигига та'на қилаётганимиз йўқ, лекин чехословак халқи фашизм устидан қозонган Ғалаба Куни бўлган бугунги кунда **тинч хўжалик социалистик қурилиш** фронтидаги ўзининг ғалабалари блан ва шу асосда халқнинг моддий фаровонлиги ҳамда маданияти ўсганлиги блан қувонишга ҳақлидир. **(Қарсаклар).**

Ма'лумки, немис фашизми устидан қозонилган ғалабанинг меваларидан буржуазия ва помещиклар, я'ни Чехословакиянинг миллий манфаатларига хиёнат қилган синфларнинг ўзлари баҳраманд бўлишга уриндилар. Равшандирки, чехословак халқи эксплуататорларни сиқиб чиқариб ва халқ-демократик тузумни барпо қилиб, шу асосдагина чинакам мустақил ва эркин давлат вужудга келтираолди.

1948 йил февраль ойидаги машҳур воқиалар халқ-демократик тузум учун курашда ҳал қилучи босқич бўлди. Ўшанда Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети ва меҳнаткашларнинг шонли йўлбошчиси ўртоқ Готвальд раҳбарлигидаги ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонлар Чехословакиядаги ички буржуазия реакциясининг ва империалистик агентларнинг кучларини маглубиятга учратдилар. Чехословакия халқлари учун йирик ва ўрта саноатни, транспортни национализация қилиш асосида янги, социалистик ҳаёт қуриш даври бошланди.

Мана шунинг ўзи мамлакат экономикасини юксалтириши, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишни, ўз халқ давлатининг мустақиллигини ва қарамсизлигини мустаҳкамлашни та'минлади.

Чехословакия Республикасининг социализм қуришга ўтиши ва Совет Иттифоқи ҳамда халқ демократияси мамлакатлари блан жуда яқиндан ҳамкорлик қилиши унинг муваффақиятларини та'миновчи асосий шароитни вужудга келтирди. **(Қарсаклар).**

Мамлакатингиз хўжалигининг ўсишини ва ўзгариб бораётганлигини кўрсатучи фактлар ва рақамлар ўзларингизга яхши ма'лум, бу фактлар ва рақамлар мана шу асосий хулосани тасдиқламоқда. Меҳнаткаш деҳқонларнинг аҳволида рўй берган тўбли ўзгаришларни алоҳида уқтириб ўтиш керак. Халқ-демократик Чехословакияда ўтказилган аграр ислоҳот, шунингдек меҳнаткаш деҳқонлардан анчагина қисмининг хўжаликни бошқариш соҳасида кооператив формаларига ўтганлиги Чехословакия қишлоғининг қиёфасини ўзгартирди ва ҳали ҳам ўзгартирмоқда, қишлоқ хўжалигининг қолоқлигини тугатишга ва уни тез юксалтиришга ёрдам бермоқда.

Чехословакия Республикаси тинчлик, демократия ва социализм улуғ лагери доирасида тобора қудратлироқ куч бўлиб қолмоқда.

Чехословакиянинг ташқи савдо обороти 1954 йилда 1946 йилга нисбатан қарийб уч баравар ошди. Бу ташқи савдо оборотида Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари блан бўлаётган савдосотиқ бутун Чехословакия савдо оборотининг 75 процентини ташкил қилмоқда. Совет Иттифоқи томонидан шартномалар ва ҳар иккала мамлакат манфаатларига риоя қилиш асосида Чехословакияга берилаётган жуда катта реал моддий ёрдамни исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Чехословак халқининг муваффақиятлари шунинг натижаси бўлдики, унга халқ эришган барча ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, касаба союз ҳаракатининг раҳбар кучи ва бирлашган Миллий фронтнинг жон-тани бўлган шонли Чехословакия Коммунистик партияси раҳбарлик қилмоқда, бу партияга марксизм-ленинизм ишига садоқатли бўлган, синалган раҳбар коллектив — Чехословакия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети бошчилик қилмоқда. **(Қарсаклар).**

Чехословак халқи ва унинг Коммунистик партияси марксизм-ленинизм йўлидан изчиллик блан бораётганликлари учун ҳам совет кишилари уларга жуда катта ҳурмат блан қарамоқдалар. Лекин муваффақиятлар шак-шубҳасиз бўлса ҳам, аммо бошқаларда бўлгани сингари сизларда ҳам қийинчиликлар ва камчиликлар бор, албатта.

Олға томон янада муваффақиятлироқ ҳаракат қилмоқ учун ўз-ўзини танқидни қат'ият блан авж олдириш, камчиликларни дадиллик блан очиб ташлаш, қийинчиликларни енгиш ва янги вазифаларни ҳал қилиш зарур. Гарчи тантанали мажлисда, айниқса меҳмон бўлиб келган кишининг камчиликлар тўғрисида гапириши одат бўлмаса ҳам, лекин биз большевиклар ва дўстлар шундай қилсак бўлади, **(залда жонланиш. Қарсаклар),** нега десангиз, Коммунистик партиянгизнинг 1954 йилда бўлиб ўтган X с'езди социализм қуришни кенг фронт бўйлаб авж олдириш вазифасини қўйиб, бирқанча камчиликларни очиб ташлади ва шу камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилаб берди.

Бу гаплар саноатга ҳам тааллуқлидир, саноатда, айниқса машинасозликда янги техникани дадиллик блан ўзлаштириш, кон саноати тормоқларини, кўмир, темирруда, нефть, рангли металлар сингари кончилик саноатини зўр ғайрат блан ривожлантириш зарур.

Бу гаплар айниқса қишлоқ хўжалигига, унга реал ташкилий ва моддий ёрдам кўрсатишга, экин майдонларини кўпайтиришга, чорвачиликни ривожлантиришга, кооператив хўжалигини янада ривожлантиришга ва ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар блан иттифоқини ҳартомонлама мустаҳкамлашга тааллуқлидир. Меҳнат унумдорлигини янада ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва шу асосда ишчиларнинг ҳамда барча меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш энг муҳим вазифадир.

Қийинчиликларни енгиш ва камчиликларни тугатиш сан'атини эгаллаш зарур, айниқса сабрли ва матонатли бўлиш, энг муҳими эса, ишнинг ғоявий принципиал мазмунини ҳартомонлама ошириш зарур.

Сизларнинг, ўртоқлар, ҳозирги вақтда социализм қуришингиз бизнинг бу ишни бошлаганимизга қараганда енгилроқдир. Сизлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва халқларининг тажрибаларини, шу жумладан, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришдаги тажрибаларини ҳам ҳисобга олиш имкониятига эгасиз.

СССР халқлари шонли Коммунистик партия, унинг коллектив раҳбарлиги — Марказий Комитет етакчилигида Ленининг ҳамда унинг ишларининг давомчиси **бўлган Сталининг васиятларини амалга** ошириб, ғолибона коммунизм қуриш йўлидан оғишмай олға бормоқдалар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўтган 10 йил мобайнида Совет Иттифоқи уруш отказган оғир жароҳатларни тўла равишда тузатиб олиш блан бирга, уруш вақтида вайрон бўлган хўжаликни тиклаш ишларини ҳам тўла равишда тугаллади, шу блан бирга, урушгача эришилган маррани ҳам анча орқада қолдириб кетди. Шу нарсани кўрсатиб ўтиш кифоядирки, урушдан кейинги даврда катта давлат саноат корхоналаридан саккиз мингтадан кўпроғи тикланди, қурилди ва ишга туширилди.

Совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси тўхтовсиз ўсмоқда.

1955 йилда саноат маҳсулоти чиқариш урушгача бўлган даражадан уч баравардан зиёдроқ ошиб кетади. Социалистик экономиканинг асоси бўлган оғир индустриямиз катта муваффақиятларга эришди. Ҳозирги вақтда оғир саноат 1940 йилда чиқарилганига қараганда қарийб 3,5 баравар кўп маҳсулот чиқармоқда. Оғир саноатнинг кенг миқ'ёсда ўсганлиги асосида мамлакатнинг бутун халқ хўжалиги, шу жумладан, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги, маданият ва бошқа соҳаларда жиддий муваффақиятлар қўлга киргизилди.

Бироқ, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Марказий Комитет ва Ҳукумат ўсишимиз катта бўлганига қарамай ва муваффақиятлардан гангиб қолишга йўл қўймаслик учун, энг муҳими, мавжуд камчиликларни ва қийинчиликларни тезроқ йўқотиш учун, синалган большевистик қурол бўлган танқид ва ўз-ўзини танқиддан фойдаланиб, бизларга мавжуд камчиликларни ва қийинчиликларни дадиллик блан очиб ташламоқдалар, партия ва халқни шу камчилик ва қийинчиликларни тугатишга сафарбар қилмоқдалар.

Партия ленинизмга қарши бўлган қарашларни қоралади, чунки ленинизмга қарши бўлган бу қарашларга кўра, ҳозирги вақтда оғир индустрияни тез сур'атлар блан ривожлантириш учун зарурият қолмаган эмиш. Сизларга ма'лумки, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети қишлоқ хўжалигидаги камчиликларни дадиллик ва қат'ият блан очиб ташлади ҳамда қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш программасини ишлаб чиқди. 1954 йил шу программани амалга ошириш учун курашнинг биринчи йили бўлди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш шу вазифаларни ҳал қилмоқ учун жуда катта аҳамиятга эга. 1955 йилда биз қўриқ ва бўз ерларнинг камида 20 миллион гектарига экин экмоқчимиз.

Партия ва Ҳукумат бу вазифани бажаришда фақат совет кишиларининг озиқ-овқат молларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ва давлат учун катта резервлар вужудга келтириш зарурлигига асосланибгина иш олиб бормасдан, шу блан бирга, зарур бўлиб қолган тақдирда халқ демократияси мамлакатларидаги қардош халқларга, шу жумладан, сизларга ҳам, ўртоқлар, ёрдам кўрсатиш зарурлигини ҳам кўзлаб иш олиб бормоқдалар. Аммо, биз, социалистик мусобқа тартибида сизларнинг қишлоқ хўжалигингиз Чехословакияни дон, мой, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари блан етарли миқдорда та'минласа яна ҳам хурсанд бўлур эдик. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

Партия ва Совет Иттифоқи ҳукумати ҳозирги вақтда илғор техникани, фан муваффақиятларини халқ хўжалигига жорий қилиш ва илғор меҳнат методларини кенг ёйиш асосида меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун курашишга катта э'тибор бермоқдалар. Партия ва Ҳукумат бутун давлат аппаратининг ишини яхшилаш, уни соддалаштириш ва арзонлаштириш учун, канцелярячиликни ва бюрократизмни йўқотиш учун, социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш учун курашни кучайтирмоқдалар.

Совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлиги, ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқи ва Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги ҳозирги вақтда ҳарқачонгидан кўра мустаҳкамроқдир. Бутун совет халқи Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети ва жонажон Совет ҳукумати теварагида жипслашгандир. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа халқ-демократик мамлакатлар герман ва япон империализми устидан қозонилган ғалабанинг ўнйиллигини ўз кучлари ва қудратлари барқ уриб яшнаган шароитда кутиб олмоқдалар.

Бундан 15 йил муқаддам, иккинчи жаҳон уруши олдида Совет Иттифоқи социализмнинг бирдан-бир мамлакати эди, уни ҳамма томондан капиталистик мамлакатлар қуршаб олган эди. Ғарбда германитальян фашист империализми, Шарқда япон фашист империализми тиш-тирноғигача қуролланиб, Совет Иттифоқига ҳужум қилишга тайёрланмоқда эдилар.

Англия, АҚШ ва Франция империалистлари уларни қўллаб-қувватлаш блан кифояланмай, бизга ҳужум қилишга ҳам йўлламоқда эдилар, чунки ўзлари ҳам Совет Иттифоқининг орқасидан пичоқ санчмоқ учун пичоқларини қайраб турган эдилар. Уларнинг бу соҳада катта тажрибалари бор эди, улар бу тажрибани биринчи жаҳон урушидан кейин империалистларнинг ҳамма мўлжалларини остин-устин қилиб ташлаган Улуғ Октябрь революцияси бошланган кундан бери тўплаб келмоқда эдилар. Улар ёш Совет давлатини бўғиб ташламоқ учун 14 давлат интервенциясини ташкил қилган эдилар. Лекин, ма'лумки, улар тарих олдида шарманда бўлдилар. Шу нарса шак-шубҳасиздирки, улар Хитой Халқ Республикасига ҳужум қилганларида, шу жумладан, Тайваньни қонунсиз босиб олганликлари учун ҳам тарих олдида ундан баттарроқ шарманда бўладилар.

Немис ва япон империализми қаттиқ маглубиятга учраганлиги натижасида империализмнинг бутун системаси заифланиб қолди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Октябрь революцияси бўлиб, жаҳонда биринчи социалистик давлат вужудга келган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин **улуғ Хитой** Халқ Республикаси, Халқ Чехословакияси, ҳамда халқ демократияси ва социализмнинг бошқа давлатлари вужудга келди.

Натижада социализм позициялари кенгайди ва мустаҳкамланди, капитализм кучлари жиддий равишда заифланди, кучларнинг нисбати социализм фойдасига ўзгарди. Социализм лагери ўз кучларига ишонади ва бутун дун'ёда тинчликнинг таянчидир.

Ўтган ўн йил мобайнида Совет Иттифоқи тинчлик ва хавфсизлик учун, халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш учун курашиш сиёсатини ўтказишда анча муваффақиятларга эришди.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган Совет-Австрия музокаралари Совет Иттифоқининг тинчлик ва хавфсизлик учун курашга қўшган катта ҳиссасидир. Совет Иттифоқининг тинчлик ўрнатиш йўлидаги ташаббуси натижасида Чехословакиянинг бевосита қўшниси бўлганлиги сабабли Чехословакия учун алоҳида аҳамияти бўлган Австрия давлат шартномаси масаласини муваффақиятли ҳал қилиш фурсати яқинлашмоқда.

Индонезия шаҳри Бандунгда Осиё ва Африка мамлакатларининг яқинда бўлиб ўтган конференцияси Совет давлати барпо бўлган кундан бошлаб жаҳонга ёёётган олижаноб идеялар — тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик идеялари меҳнаткашларнинг тобора кенг оммаси учун байроқ бўлиб қолаётганлигини кўрсатучи янги ёрқин далилдир. Осиё ва Африка мамлакатлари конференцияси муносабати блан Хитой Халқ Республикасининг ва Ҳиндистон Республикасининг тинчлик учун, тинч ва тотув бўлиб яшаш ва халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш учун курашда ўйнаётган жуда катта ролини ва ғоят зўр хизматларини алоҳида уқтириб ўтиш керак.

Бироқ, ўз позицияларини йўқотаётганликлари учун саросима бўлиб қолаётган империалистик сиёсатдонлар тарихий фактлар блан ҳисоблашишни истамаётирлар ва урушни тайёрлаш ҳамда бошлаб юбориш сиёсатини ўтказмоқдалар.

Париж битимларининг ратификация қилинганлиги ва шу битимлар асосида Ғарбий Германиянинг агрессив Шимолий Атлантик блокига тортилаётганлиги ва қайта ҳарбийлаштирилаётганлиги Европадаги халқаро вазиятни кўрсатучи асосий фактдир. Урушнинг ғалаба блан тамомланганлигига ўн йил тўлган кунни биз ана шундай вазиятда нишонламоқдамиз. Тинчликсевар халқлар Германияда милитаризмнинг тикланишига қаршидирлар, улар Германиянинг бир бутун, тинчликсевар, чинакам демократик давлат бўлишига тарафдордирлар. Биз милитаризмга қарши курашаётган Германия меҳнаткашларига дўстлик ҳислари блан қарамоқдамиз. Буни Германия Демократик Республикасига нисбатан қардошлик муносабатларида бўлаётганлигимиз яққол кўрсатиб турибди. **(Давомли қарсаклар).**

Париж битимлари халқаро вазиятни мураккаблаштирмоқда. Бу шундай жиддий фактдирки, Совет Иттифоқини, Чехословакияни ва бошқа халқ-демократик мамлакатларни ғафлатда қолмаслик учун ҳамма зарур хулосаларни чиқариб олишга мажбур этмоқда.

Ма'лумки, Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлашга бағишланиб 1954 йил ноябрь-декабрида Европа

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ФАШИСТ ОККУПАЦИЯСИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎНИЙЛЛИГИ

# Ўртоқ Л. М. Каганович нутқи

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатларининг қуввати тўхтовсиз ўсаётганлиги, уларнинг актив равишда ўтказаётган тинчликсевар ташқи сиёсати, уруш оловини ёқучиларни ҳормай-толмай фош қилаётганликлари ва империалистларнинг мақрли планларини барбод этаётганликлари империалистик агрессорларни маҳкам жиловлаб қўймоқда.

Совет Иттифоқининг муваффақиятлари барча мамлакатлардаги ишчилар синфини, тинчлик тарафдорларини руҳлантирмоқда, ишчилар синфининг ва жаҳон халқларининг жаҳон сиёсатидаги ролини оширмоқда, барча меҳнаткашларнинг мардлигини ошириб, уларнинг қалбида бутун инсониятнинг ёрқин келажагига, ҳақ ишимизнинг тўла тантана қилиши муқаррар эканлигига бўлган чексиз ишончни кучайтирмоқда. (Қарсаклар).

Азиз ўртоқлар! Чехословакия халқларининг миллий ҳаётида улуғ тарихий воқеа муносабати блан Совет Иттифоқининг табриги — Чехословакия халқларига четэл фашистлар асоратини ўз устидан улоқтириб ташлашда ўзининг жуда кўп энг яхши фарзандларининг муқаддас қони блан ёрдам берган ҳамда Чехословакия халқларига эркинликни ва мустақилликни қайтариб олишда ёрдамлашган давлатнинг, партиянинг, халқнинг табригидир.

Халқ бахти учун, тинчлик ва эркинлик учун олиб борилган умумий курашда чиниққан, биргаликда тўкилган қон блан абадий мустаҳкамланган дўстлик халқлар ўртасидаги энг мустаҳкам дўстликдирки, дўстликнинг бундан кўра мустаҳкамроғи бўлмайди ва бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Чехословакия ҳамда тинчлик, демократия ва социализм лагеридаги барча мамлакатларнинг халқлари ўртасидаги дўстликни заррача бўлса ҳам бузаоладиган ёки бўшаштираоладиган куч жаҳонда йўқ (гулдурос, давомли қарсаклар).

Дўстлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги шартномалар туфайли, қардошларча ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам алоқалари туфайли, тинчлик учун, социализм учун умумий кураш туфайли Совет Иттифоқи блан боғланган бошқа мамлакатларнинг халқлари каби Чехословакия халқлари ҳам шу нарсага қат'ий амин бўлишлари мумкинки, Совет Иттифоқи халқлар эркинлиги, миллий мустақиллиги ва суверенитетининг ҳали ҳам аввалгидек ишончли ва янада қудратлироқ таянчидир, Совет Иттифоқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари ўзларининг иттифоқчилик бурчларини охиргача ада қиладилар. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Тинчлик душманларининг кирдикорларига жавобан тинчлик ва халқлар дўстлиги учун курашни янада кўпроқ кучайтирамиз, демократик лагерь мамлакатларининг кучларини янада кўпроқ жипслаштириб, мустаҳкамлаймиз! (Қарсаклар).

Яшасин Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас, абадий ва қардошлик дўстлиги! (Гулдурос, давомли қарсаклар овацияга айланади. Ҳамма ўрнидан туради. «Яшасин Совет Иттифоқи!» деган хитоблар).

Яшасин ўз Коммунистик партияси ва ўз халқ ҳукуматининг раҳбарлиги остида социализм қуриш йўлидан ишонч блан бораётган қаҳрамон чехословак халқи! (Давомли қарсаклар).

Яшасин Маркс, Энгельс, Ленин, Сталининг улуғ байроғи! (Залдагиларнинг ҳаммаси ўринларидан туриб, «Совет Иттифоқига шон-шарафлар бўлсин!», «Совет Армиясига шон-шарафлар бўлсин!», «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва Совет ҳукуматига ура!» деб хитоб қилиб, гулдурос қарсак чаладилар).

# Берлинда оммавий митинг

БЕРЛИН, 8 май. (ТАСС). Бугун Берлинда Маркс-Энгельс майдонида меҳнаткашларнинг Германия фашизмидан озод қилинган куннинг 10 йиллигига бағишланган оммавий митинг бўлди.

Марказий трибунада Германия Демократик Республикаси президенти Вильгельм Пик, Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси раиси вазифасини бажарувчи Г. Матерн бошчилигида Халқ палатаси президиумининг а'золари, бош министр Отто Гротеволь бошчилигида ҳукумат а'золари, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитети биринчи секретари В. Ульбрихт бошчилигида Марказий комитет Сиёсий бюросининг а'золари пайдо бўладилар.

Митингда Совет ҳукумат делегацияси, халқ-демократик мамлакатларнинг ҳукумат делегациялари, капиталистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар делегацияларининг а'золари ҳам қатнашадилар.

Митингни демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг раиси профессор Э. Корренс очди. Сўнгра Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Вальтер Ульбрихт нутқ сўзлади.

## ВАЛЬТЕР УЛЬБРИХТ НУТҚИ

Бугун Германиянинг тинчликсевар ва демократик кучлари, деди В. Ульбрихт, совет қуролли кучлари гитлерчилар фашизми устидан буюк ғалаба қилган куннинг 10 йиллигини байрам этмоқдалар. Барча тинчликсевар кишилар Совет Иттифоқи халқларидан ғоят миннатдордирлар. Совет Иттифоқи халқлари мислсиз қурбонлар бериб нацизмни йўқ қилдилар, Германияни озод этдилар ва шу блан Европа маданиятини қутқазиб қолдилар.

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва совет халқига тинч демократик ривожланиш ишида бизларга кўрсатаётган қардошлик ёрдами учун ҳам ташаккур изҳор қиламиз.

В. Ульбрихт Германия тарихида ишчи ва деҳқонларнинг биринчи давлати бўлган Германия Демократик Республикаси барпо этилганлиги ҳақида гапириб, Германия Демократик Республикаси сиёсатининг тинчликсеварлик характерини уқтириб ўтди ва тинч ҳамда демократик ривожланиш йўлида республика меҳнаткашлари қўлга киритган катта муваффақиятларни кўрсатди.

В. Ульбрихт Ғарбий Германияда юз берган аҳволга тўхталиб, у ерда халққа қарши, миллатга қарши сиёсат юргизаётган милитаристлар ва монополиячилар ҳукмронлик қилаётганлигини уқтириб ўтди. Париж ҳарбий битимларининг ратификация қилиниши, деди у, немис халқининг манфаатларига, барча тинчликсевар немисларнинг Германияни тинч йўл блан қайта бирлаштириш йўлидаги интилишига сра тўғри келмайди.

Вальтер Ульбрихт ўз нутқининг охирида Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг Республиканинг тинч қурилишда қўлга киритган муваффақиятларини немис халқи душманларининг ҳарқандай кирдикорларидан ҳимоя қилишга қат'ий қарор берганлигини айтиб ўтди.

Сўнгра Совет ҳукумат делегациясининг раҳбари, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'зоси М. Г. Первухин нутқ сўзлади.

## М. Г. ПЕРВУХИН НУТҚИ

Қадрли ўртоқлар ва дўстлар!

Бу қувончли митингнинг қатнашчилари бўлган сизларга ва сизлар орқали бутун герман халқига Совет Иттифоқи халқларининг самимий дўстлик саломини топширишга рухсат этгайсиз. (Гулдурос қарсаклар).

Фашизм устидан қозонилган тарихий ғалаба талантли ва тинчликсевар немис халқига демократик Германиянинг мустаҳкам асосларини қуриш имкониятини берди.

Ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикаси тинчлик, демократия ва социализм лагерини ташкил этган озод халқлар оиласида мустаҳкам ва қонуний ўринни эгаллаб турибди.

Совет халқи ўзининг содиқ дўстлари қаторида Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари ҳам бўлганлигидан бениҳоя хурсанддир. Германия Демократик Республикасининг ташкил қилиниши Европа тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. (Қарсаклар).

Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари фашизмдан озод бўлган куннинг 10 йиллигига ўз ҳукуматининг раҳбарлигида сиёсий, иқтисодий ва маданий қурилишда ғоят катта муваффақиятларга эришган ҳолда келдилар.

Лекин Ғарбий Германияда рўй бераётган аҳвол озодлик куни муносабати блан қилинаётган байрамга бироз доғ солиб турибди.

Ғарбий Германиядаги милитиристик доиралар иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганига 10 йил тўлганлигини ўзларича «нишонладилар». Бундан уч кун илгари Ғарбий Германияда Париж битимлари кучга кирди. Бу битимлар Ғарбий Германияни кўп йилларга ажнабийлар асоратига топшириб қўяди ва герман милитаристлари томонидан янги агрессия тайёрланишига йўл очиб беради. Ғарбий Германия милитаристлари ўз агрессив планларини амалга ошириш ниятида Германиянинг бирлигини ва немис халқининг миллий манфаатларини қурбон қилмоқдалар.

Немис халқидек, совет халқи ҳам Европа давлатлари орасида бирлашган, мустақил, тинчликсевар Германияни кўришни истайди. Бундай Германия Европада тинчликни ва ҳавфсизликни та'минлашда муҳим роль ўйнаган бўлур эди.

Биз қаттиқ ишонамизки, ана шундай демократик давлатни тузиш иши тантана қилади. Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ва Ғарбий Германиядаги прогрессив кучлар ана шундай демократик давлатни барпо этиш учун курашмоқдалар.

Германия Демократик Республикаси герман халқининг асл манфаатларини чинакам ифода қилади, бу — барча софдил немисларга кундан-кун равшанроқ бўлиб бормоқда.

Ўртоқлар, Совет ҳукумат делегацияси номидан сизларга ишингизда, бутун герман халқига азиз бўлган иш учун, Германия Демократик Республикасини мустаҳкамлаш иши учун, совет ва герман халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш иши учун олиб бораётган курашингизда янги муваффақиятлар тилайман! (Гулдурос қарсаклар).

Яшасин Германия Демократик Республикасининг президенти ўртоқ Вильгельм Пик! (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Яшасин Германия Демократик Республикасининг ҳукумати! (Гулдурос қарсаклар).

Яшасин Германия Демократик Республикасининг ишчилари деҳқонлари, интеллигенцияси ва барча меҳнаткашлари! (Гулдурос қарсаклар).

Совет ва немис халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик мустаҳкамлансин ва яшасин! (Гулдурос давомли қарсаклар).

Митингда Польша Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи, Министрлар совети раисининг ўринбосари Станислав Лапот ва Чехословакия Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи, бош министр ўринбосари Вацлав Шкода ҳам нутқ сўзладилар.

# *Отто Гротевольнинг 7 майда Берлиндаги тантанали мажлисда қилган доклади*

Қадрдон меҳмонлар, қадрдон дўстлар ва ўртоқлар! Бундан 10 йил илгари биз фашизмдан озод бўлган кунимизни биргаликда нишонламоқ учун буерда биз блан бирга тўпланган ҳамма дўст ва ўртоқларимизни табриклаймиз. Совет Иттифоқининг ўртоқ Первухин раҳбарлигидаги делегацияси бошчилигида бизга дўст мамлакатлардан келган делегацияларни зўр қувонч блан табриклаймиз. Бу кунда орамизда ўтирган улуғ ҳарбий раҳбар, Берлинни озод қилган ўртоқ Маршал Жуковни табриклаш имкониятига эга бўлаётганлигимиз биз учун алоҳида шараф ва қувончдир.

Социалистик Совет Иттифоқининг армиялари Германияни гитлерчи фашизмдан озод қилганликларининг 10 йиллиги кунида биз И. В. Сталиннинг 1945 йил 9 майда: «Совет Иттифоқи, гарчи Германияни бўлак-бўлак қилиб юбориш ва уни йўқ қилиш ниятида бўлмаса ҳам, ғалаба тантанасини байрам қилмоқда» деб айтган тарихий сўзларини эслаймиз.

Гитлерчи фашизм сўзсиз таслим бўлганидан кейин айтган шу сўзлари блан Сталин 1942 йил 23 февральда армияга қарата чиқарган 55-нчи сонли буйруғида баён қилинган Совет давлатининг тинчлик сиёсатини уқтириб ўтди. Совет давлатининг урушдан кузатган мақсади Германияни йўқ қилиш эмас ва уни бўлак-бўлак қилиб юбориш эмас, балки Совет юртини озод қилиш ҳамда фашизмни ва унинг давлат аппаратини йўқ қилиш эди.

«Тарих тажрибаси кўрсатадики, гитлерлар келиб — кетаверадилар, герман халқи эса, герман давлати эса қолаверади». Бу доно сўзлар марксизм-ленинизмнинг чуқур голибона дун'ёқарашига мос келади. Маркс, Энгельс ва Ленининг идеялари Сталинга ана шу тарихий сўзларни айтиш учун имкон берди.

Сталининг бу чинакам тарихий сўзларини қудратли социалистик Совет Иттифоқи қўллаб-қувватлади ва қўллаб-қувватламоқда, ер юзининг олтидан бир қисмидаги халқлар қўллаб-қувватламоқдалар, улар немис фашистларнинг ҳамласига бардош берибгина қолмай ва ўзларининг ватанини фашист талончиларидан тозалабгина қолмай, балки қонхўр фашизмни унинг уясида — Берлинда янчиб ҳам ташладилар ва йўқ қилдилар.

Бу қаҳрамонона курашда совет халқи беҳисоб кўп моддий зарар кўрди ва унинг кўп одамлари қурбон бўлди. Совет Армиясининг ва совет мамлакатининг ўз ишлари ҳақ иш бўлганлигини тушунганлари ҳолда тинчлик манфаатларини кўзлаб, ўз Ватанини озод қилиш учун, Германияни ва Европа мамлакатларини фашист жаллодлардан озод қилиш учун курашган ҳамда меҳнат қилган ва бу курашда ўз қонларини кўп тўккан барча мард ва шавкатли офицерлари ҳамда солдатлари, ишчилари, техниклари ва инженерлари эркак ва аёллари хотирасини шу соатда ҳурмат блан эслаймиз.

Улуғ Ватан уруши вақтида совет халқи ўзининг фидокорона кураши блан Европа цивилизациясини фашист жиноятчилардан қутқазиб қолганлигини бугунги кунда бутун дун'ё билади. Бугунги кунда немис халқи ҳам биладики, Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик сиёсати Германияни бутунлай қул бўлишдан қутқазиб қолди ва бунинг натижасида унинг яна яшашини та'минлади. Биз Совет Иттифоқидан шунинг учун миннатдормизки, Потсдам конференциясининг битимлари империалистик диктатта асосланмаган, балки, Гитлернинг жиноятлари натижасида етказилган зарар қопланганидан кейин, — немис халқига янги ва бахтли ҳаёт йўлини кўрсатади. Голиб давлатлар орасида социалистик Совет Иттифоқи бўлганлиги факти Германия учун тарихда бу дамгача кўрилмаган тамомила янги имкониятлар яратди, я'ни етказилган зарар софдиллик блан қопланганидан кейин дун'ёнинг тинчликсевар халқлари орасида муносиб ўрин олиш имкониятини яратди.

Сўнгра Гротеволь кўрсатдики, фақат Германиянинг Шарқида, ҳозирги Германия Демократик Республикасида 1945 йилги Потсдам битими тўла бажарилди ва бунинг натижасида Германия Демократик Республикасида немис халқининг демократик ва ватанпарвар кучлари кенг тараққий топди. Буерда империалистик монополияларнинг ҳукмронлигига барҳам берилди. Ҳарбий жиноятчилар қилмишларига яраша жазоландилар ва фашизмнинг қолдиқлари тугатилди. Коммунистик партия ва социал-демократик партия бирлашиб, ишчилар синфининг бирлашган партиясини — Германия Бирлашган социалистик партиясини ташкил этдилар, бу партия бошқа демократик партиялар блан биргаликда антифашист — демократик партияларнинг блокини вужудга келтирди. Ишчилар синфи партиясининг раҳбарлиги остида бу блок янги, чинакам демократик ҳаёт қуришга киришди.

Ватанимизнинг ғарбида, — деди сўзини давом этиб Гротеволь, — ривожланиш тамомила бошқача бўлди. Империалистик ғарбий давлатлар Германия социал-демократик партияси ўнг раҳбарлигининг ёрдами блан халқаро битимларни бузиб, бутун Германияда ишчилар ҳаракатининг бирлашувига тўсқинлик қилдилар. Бунинг натижасида ўтмишдаги сиёсий кучлар — фашизм ва милитаризм — яна бош кўтардилар. Америкали империалистлар герман монополиячиларини ҳимоя қилдилар. Демократик реформаларнинг амалга оширилишига қарши бўлдилар, денацификациянинг амалга оширилишини бузидилар. Улар Германиянинг парчаланганлигини сақлаб қолиш ниятида 1949 йилнинг кузида сенарат ғарбий герман давлати тузидилар, унда фашист кучлар яна ҳукмрон бўлишга эришмоқдалар, герман милитаризми тикланмоқда, халқларни бир-бирларига қарши қўйиш ва ирқий душманлик идеологияси яна зўр бериб авж олдирилмоқда.

Сўнгра О. Гротеволь кўрсатдики, империалистик ғарбий давлатларнинг халққа қарши сиёсати немис халқини миллий ҳалокат хавфи остида қолдирганлиги сабабли немис халқининг демократик ва ватанпарвар кучлари Германиянинг Шарқида миллатни ҳимоя қилиш чораларини кўришга мажбур бўлдилар ва бунинг натижасида 1949 йил 7 октябрьда Германия Демократик Республикаси — бирлашган, демократик, мустақил ва тинчликсевар Германиянинг асоси вужудга келтирилди.

Германия Демократик Республикасига асос солинганлиги немис халқининг тинчликсевар ва демократик кучларининг ғалабаси бўлди. Бу воқеа бизнинг миллатимиз тарихида бурилиш пункти бўлди, чунки бутун Германияни яна милитаризм қамчиси остида қолдириш ва бутун Германияни уруш йўлига киритиш уринишларига абадий хотима берилди.

Германия Демократик Республикасида бирлашган, демократик ва тинчликсевар Германия базаси ва куртаги барпо бўлди. Бугунги кунда Германия Демократик Республикаси Германияда тинчликнинг ва ҳақиқий демократиянинг истеҳкоми бўлиб қолди, хавфсизлик таянчи, ишчи ва деҳқонларнинг ҳамда барча прогрессив ва меҳнаткаш кишиларнинг ватани бўлиб қолди. Бугунги кунда Германия Демократик Республикаси тарихдан сабоқ олган ва ўз ютуқларини ҳамма воситалар блан ҳимоя қилиш ниятида бўлган кучларнинг тинчликка бўлган иродасини ифодаламоқда. Бугунги кунда Германия Демократик Республикаси олдида шундай олий миллий вазифа турибдики, Герман давлати олдида бундай олий вазифа ҳеҳачон турмаган эди. Бу вазифа — миллий ҳалокат хавфи мавжуд бўлганлиги ва бизнинг миллатимиз учун ўз-ўзини ҳалок қилишдан иборат Париж битимлари ратификация қилинганлиги сабабли—немис миллатининг сақланиб қолишини ва бундан буён ҳам яшашини та'минлашдан иборат.

Фашизмдан озод бўлиш натижасида Германия Демократик Республикасида шундай кучлар вужудга келдики, бу кучлар туфайли бутун Германия, правардида, бирлашган, тинч, озод ва демократик Германияга айланади.

Отто Гротеволь ўз докладида герман-совет дўстлигининг аҳамиятини алоҳида уқтириб ўтди, Шу муносабат блан у эслатиб ўтдики, Совет Иттифоқи изчиллик блан барча халқаро конференцияларда Германия масаласини немис халқининг миллий манфаатларига мувофиқ равишда ҳал этиш тўғрисида равшан амалий таклиф блан чиқмоқда, Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашларига доимий равишда иқтисодий ёрдам кўрсатмоқда.

Совет Иттифоқи, — деди яна О. Гротеволь, — ўзининг 1954 йил 26 мартдаги баёнотига мувофиқ Германия Демократик Республикаси блан ҳам худди бошқа суверен давлатлар блан бўлаётган муносабатлардек муносабатларни ўрнатди. Бу баёнот э'лон қилинганидан буён Германия Демократик Республикасининг суверенитети халқ қўлида, ишчилар ва деҳқонлар давлати қўлида турипти.

Отто Гротеволь атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида Совет ҳукуматининг Германия Демократик Республикасига ёрдам бериши тўғрисида гапириб, бу ёрдам Совет Иттифоқининг Германия Демократик Республикасига бўлган катта ишончининг исботи эканлигини уқтириб ўтди. Бу ёрдам, — деди у, — бизнинг халқ хўжалигимизни мустаҳкамлаш ва қучайтириш блан бирқаторда, Ватанимизнинг миллий бирлиги учун олиб бораётган курашимизда жуда катта мадад ҳамдир.

Сўнгра Гротеволь Германия Демократик Республикасида тинч қурилиш соҳасида эришилган катта ютуқларни, республика меҳнаткашлари ҳаётининг модий ва маданий даражаси узлуксиз кўтарилиб бораётганлигини кўрсатадиган муфассал ма'лумотларни келтирди.

Бешйиллик халқ хўжалик планини бажаришнинг тўрт йили ичида ГДР саноат ишлабчиқариши ҳажми планда мўлжалланган 169,7 процент ўрнига 176,2 процентга етди. Биринчи бешйиллик планда давлат халқ хўжалигига 21,9 миллиард марка маблағ сарфлади, ҳолбуки, планга кўра давлат 20,5 миллиард марка миқдорида капитал маблағ сарфлаш мўлжалланган эди. Уй-жой қурилиш учун 376 миллион марка сарфлаш тахмин қилинган эди, ҳақиқатда эса шу мақсадда қилинган харажатлар тахминан 732,8 миллион маркага етди. ГДР ташқи савдо обороти 1953 йилдагига нисбатан 23 процент ортди. Ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикаси 70 мамлакат блан савдо алоқасида бўлмоқда. 1950 йилдан 1954 йилгача ўтган вақт ичида ГДРда озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол қилинадиган саноат товарларининг нархлари 15 марта кўп миқдорда камайтирилди. Шу блан бирга, ишчилар ва хизматчиларнинг ишҳақи ошганлиги, меҳнаткаш деҳқонларнинг даромадлари кўпайганлиги, аҳолининг меҳнат жамғармалари жуда ортганлиги ҳам республика меҳнаткашларининг фаровонлиги кўтарилаётганлигининг далилидир. Ўтган йил давомида республикада кўплаб мактаблар, касалхона ва амбулаториялар, болалар боғчалари ва яслилари, театрлар ва кинотеатрлар, клублар, маданият уйлари қурилди.

Гротеволь кўрсатдики, ўтган давр ичида тинч қурилиш соҳасидаги ютуқлар биринчи бешйиллик планни муваффақият блан тамомлаш ва иккинчи бешйиллик планни бажаришга киришиш учун имкон беради.

Гротеволь Германиянинг бирлигини тиклаш проблемасига тўхталиб бундай деди: фақат дўстлик ва келишув сиёсатигина демократик асосда Германиянинг бирлигини тиклаши мумкин. Шу сабабдан ҳукумат бу мақсадга тинч йўл блан эришмоқ учун изчиллик ва қунт блан ҳаракат қилди. Германия Демократик Республикаси ҳукумати, халқ палатаси ва Миллий фронт: «Немислар, бир стол теварагига тўпланингиз!» деган шиорни кун тартибига қўйди. Немислар бу шиорни руҳланиб, ма'қулладилар. Бу шиор ҳозир ҳам ўз кучида қолади. Ҳукумат бизнинг энг муҳим миллий проблемаларимизни ҳал этишимизга яқинлаштирадиган барча масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга ҳозир ҳам тайёр.

Отто Гротеволь америкали ва ғарбий германияли империалистларнинг Ғарбий Германиядаги ҳарбий тайёргарликларига тўхталиб ўтди. Бу ҳарбий тайёргарликлар Париж ҳарбий битимлари ратификация қилинганлигида ўз ифодасини топди. Шу муносабат блан Отто Гротеволь Бонн пропагандасининг Ғарбий Германия гўё эндиликда «суверенитет»га эга бўлганлиги тўғрисидаги да'воларини фош қилди ва шу блан бирга, фақат Германия Демократик Республикасигина ҳақиқий суверенитетга эга эканлигини, буни э'тироф қилмаслик мумкин эмаслигини уқтириб ўтди. О. Гротеволь айтдики, Бонн ҳукмрон доираларининг ГДР мавжуд эканлигини инкор этишга уринишлари Бонн сепарат давлатининг кучини сра ифодаламайди, балки Бонн сиёсатчиларининг қўрқаётганликларинигина кўрсатади.

Биз, — деди Отто Гротеволь, — даставвал, Ғарбий Германия ишчилар синфини, барча ишчиларни, барча тинчликсевар демократик ва ватанпарвар кучларни бирлашиб ҳаракат қилиш учун ўз теварагига бирлаштиришга ҳамда Германия Демократик Республикаси теварагига маҳкам жипслашишга чақирамиз. Улуғ миллий курашда Ғарбий Германия ишчилар синфи зиммасига катта мас'улият тушади. Ғарбий Германия ишчилар синфи ўз ихтиёридаги ҳамма воситалар блан Париж битимларига қарши кураш олиб бориши лозим, токи, аҳиллик кучлари қудратли бўлсин ва шу блан тинчлик ишининг ғалаба қилишини та'минласин. Фақат ана шундай қилгандагина америкали ва англияли империалистлар Германияга нисбатан ўзларининг ҳалокатли сиёсатини ўзгартиришга мажбур бўладилар.

О. Гротеволь ўз докладида кўрсатдики, Ғарбий Германиядаги ҳукмрон доираларнинг сиёсати аҳолининг тобора кучли қаршилигига дуч келмоқда ва шу сабабдан Бонн ма'мурлари мамлакатдаги барча тинчликсевар ва ватанпарвар кучларни шафқатсизлик блан та'қиб қилмоқдалар. Шу муносабат блан О. Гротеволь Ғарбий Германияда тинчликсевар ва ватанпарвар кучларга қарши полициянинг зулмини ва суд террорини кўрсатадиган ма'лумотларни келтирди.

Ғарбий Германияда, — деди яна Гротеволь, — тинчликни та'минлаш ва Германия масаласини тинч йўл блан ҳал этиш соҳасидаги совет таклифларининг аҳамияти борган сайин кўп э'тироф қилинмоқда. Немис ватанпарварлари Совет Ҳукуматининг Европада коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтириш тўғрисидаги таклифларини чин қалбларидан табрикламоқдалар. Бундай коллектив хавфсизлик системаси Шимолий Атлантик иттифоқига ўхшаган бир томонлама ҳарбий пакт бўлмас эди, давлатларнинг бирор группасига қарши қаратилган пакт бўлмас эди, балки Европадаги барча давлатларнинг тинчлик пакти бўлган бўлар эди.

Хавфсизлик масаласи юзасидан Европа битими немислар ўртасида битимга эришиш йўлидаги тўсиқларни йўқ қилган бўлар эди, Германиянинг қайтабиралишиши учун йўл очган бўлар эди, барча оккупацион қўшинларни яқин вақт ичида олиб чиқиб кетиш ва Германия блан сулх шартномаси тузиш учун имкон берган бўлар эди. Бу таклифларнинг амалга оширилиши Германиянинг миллий мустақиллигини та'миналган бўлар эди. Германия тамомила тенгҳуқуқли давлат бўлар ва ҳеҳқандай ҳарбий иттифоқларга боғланмагани, балки коллектив хавфсизлик системасининг а'зоси бўлгани ҳолда Европадаги барча халқларнинг ҳимоясига эришиш ҳуқуқига эга бўлган бўлар эди. Шу блан Европанинг ва айниқса Германиянинг ҳавфсизлиги проблемаси ҳал этилган бўлар эди.

Германиянинг ҳар иккала қисми коллектив хавфсизликнинг Умумевропа системасига мансуб бўлиш Германиянинг қайта бирлашувини тезлаштирган ва енгиллаштирган бўлар эди. Германия тинч мамлакат, Европа эса—тинч қит'а бўлиб қолар эди.

Совет Иттифоқи блан Австрия ўртасидаги музокаралар Германия масаласини ҳам тинч келишув асосида музокаралар йўли блан ҳал этиш мумкинлигини кўрсатди. Австрия масаласи юзасидан Москвада бўлиб ўтган музокаралар шуни ҳам кўрсатадики, Аденауэр ва Даллес жанобларининг зўровонлик сиёсати ортиқ муваффақият қозонмайди, Аденауэрнинг ғўё Совет Иттифоқи блан фақат зўравонлик позициясидан турибгина музокаралар олиб бориш мумкин деган да'воси бема'ни да'водир.

Совет Иттифоқи Австриянинг мустақиллигини ва тенгҳуқуқлилигини э'тироф қилади ва ҳурмат этади. Австрия ўз территориясида ҳеҳқандай ҳарбий базалар бўлишига сра йўл қўймайди. У бир томонлама ҳарбий иттифоқларга қўшилмайди. Бунинг эвазига Австрия халқи ўз миллий мустақиллигига эга бўлди. Бу ҳол тинчликни сақлаш йўлида қўйилган катта қадамдир. Германия проблемасини ҳам шу асосда ҳал этиш мумкин, лекин бунинг учун биз ҳамма заминларни вужудга келтиришимиз шарт. Бунинг учун Ғарбий Германия мустақил сиёсат юргизиши ва Париж битимларига барҳам бериши керак.

Германия Демократик Республикаси шундай сиёсатни бажаришга ва амалга оширишга бутун немис халқини сафарбар қилмоқда. Фақат тинчлик сиёсатигина немис халқининг келажакда бахтли ва тинч яшашини та'минлайди. Бунга эришиш йўли немислар ўртасидаги музокаралар учун бирдан-бир асос бўлган ва асос бўлиб қоладиган принципларга асосланади, чунки бу принциплар тинчликнинг сақланишини та'минлайди. Бу принциплар қуйидагилардир.

1. Париж битимларини бекор қилиб, Германиянинг қайта бирлашиши учун замин тайёрлаш.

2. Милитаризмга барҳам бериш тўғрисида ва Миллат мажлисига Умумгермания миқ'ёсида эркин сайлов ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида Германиянинг иккала қисми ўртасида дарҳол битим тузишга эришиш.

3. Тезда сулҳ шартномаси тузиш тўғрисида ва барча оккупацион қўшинларни олиб чиқиб кетиш тўғрисида тўрт буюк давлат олдига Германиянинг иккала қисмининг биргаликда талаблар қўйиши.

4. Иқтисодий, социал ва маданий ҳамкорлик соҳасидаги бошқа барча масалаларни ўрганиб чиқиш учун Шарқий ва Ғарбий Германии вакилларидан иборат доимий кенгаш тузиш.

Мана шуларнинг ҳаммаси кескинликни юмшатиш ва битим тузишга эришиш учун заминдир. Аммо, агар, шунга қарамай америкали ва ғарбий германияли милитаристлар ўзларининг агрессив ниятларини амалга оширишга жур'ат этсалар, у вақтда уларнинг бу йўлдаги биринчи қадами ўзларининг ҳалокати сари қўйган қадами бўлажагини кўрадилар.

Уларнинг «озод қилучилик» шиорлари уруш ва босқинчилик шиорларидан бошқа ҳеҳнарса эмас. Улар Германия Демократик Республикасидан унинг ерини, ўрмонларини, руда ва кўмирини, домна печьларини ва пўлат, прокат заводларини, фабрика ва заводларини тортиб олишни хоҳлайдилар. Улар бизнинг аҳолимиздаги унинг университетларини, олий ўқув юртларини ва мактабларини, ишчи ва деҳқонларнинг мактабларини, болалар боғчалари ва болалар ясли-ларини, амбулатория ва касалхоналарини, дам олиш уйлари ва санаторияларини тортиб олишни хоҳлайдилар.

Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари бунга рози эмаслар. Улар ўзлари қурган нарсаларнинг ҳаммасини бутун кучлари блан ҳимоя қилаоладилар. Кейинги вақтларда бунинг учун ҳамма тайёргарликлар кўрилди. Германия Демократик Республикаси ўзининг ҳавфсизлиги манфаатларини кузатиб мўлжалланган чораларнинг ҳаммасини амалга оширади.

Германия Демократик Республикаси ўз курашида ёлгиз эмас. Унинг кучли ва қудратли дўстлари бор. Германия Демократик Республикаси умумжаҳон улуғ тинчлик лагерининг енгилмас қисми бўлиб қолди ва шу сабабдан уни барча тинчликсевар халқлар қўллаб қувватламоқда.

Европада тинчлик ва ҳавфсизликни та'минлаш юзасидан Москва Декларациясига биргаликда қўл қўйган Европа мамлакатларининг 11 майда Варшавада 2-нчи кенгаши бўлади. Бу кенгаш дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги масалаларни ва шу блан бирга мазкур шартномага қатнашган давлатларнинг бирлашган олий қўмондонлигини ташкил этиш масалаларини муҳокама қилади.

Бу кенгашда Хитой Халқ Республикаси ҳам кузатувчи сифатида қатнашади, унинг вакили 1954 йил ноябрида Москва кенгашида сўзга чиқиб, Хитой Халқ Республикаси Москва Декларациясини тўла ма'қуллайди ва унда кўзда тутилган қарорларни қат'иян қўллаб-қувватлайди, деган эди. Бу факт ва халқ Хитойи вакилининг Варшавадаги кенгашда қатнашиши Варшава шартномасининг эффективлигини оширади ҳамда тинчлик ва ҳавфсизликни та'минлаш учун курашаётган барча тинчликсевар кишиларга, шу жумладан немис халқига ҳам далда беради.

Варшавада тузилиши лозим бўлган шартнома агрессив мақсадлар блан муайян давлатларга ёки давлатларнинг группаларига қарши қаратилган ҳарбий пакт эмас. У тинчликка хизмат қиладиган ва Европада агрессиянинг йўлини тўсадиган пакт бўлади. Кейинги неча ўн йиллар давомида юз берган воқеалар такрорланмайди. Америкали ва ғарбий германияли милитаристларнинг ҳарбий экспансияси бу сафар энг бешидаёқ қат'иян тўхтатилади. Унга фақат ҳимоясиз бир мамлакатгина, фақат бир халқгина, бир давлатгина қарши туриб қолмайди. Авантюристик ҳарбий йўлнинг энг бешидаёқ империалистларнинг муқаррар мағлубиятга учрашлари кўринибди турибди.

Биз фақат Германия Демократик Республикасининг яшашини ва муваффақиятларга эришувининигина эмас, балки шу блан бирга уни кучайтиришни ва шу блан социализм асосларини вужудга келтириш учун узил-кесил йўл очишни ҳам ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Америкали империалистлар ва уларнинг Ғарбий Германиядаги реакцион шериклари социализм ишини тўхтатиб қўйишни хаёл қилмоқдалар. Шунинг учун улар ҳамма воситалардан фойдаланмоқдалар — ёлғончилик ва бўҳтон қилмоқдалар, саботаж ва жосусликдан фойдаланмоқдалар, ҳатто тинчлик тарафдорларини террорчилик блан та'қиб қилмоқдалар, ҳатто янги уруш чиқаришга қадар бормоқдалар. Броқ, буларнинг ҳеҳбиридан натижа чиқмайди. Социализмнинг голибона қадамини тўхтатиш мумкин эмас.

Совет Армиясининг қаҳрамонона кураши туфайли Германия Демократик Республикаси фашизмдан озод бўлди. Бу улуғ тарихий қаҳрамонлик бизга шундай йўл очдики, Германия шу йўл блан бориб тинчликсевар ва демократик давлат бўлиб қолиши, тинчликсевар халқлар оиласига қайтиши, сулҳ шартномаси тузилишига ва ўзининг қайта бирлашувига эришиши мумкин. Социализм қуриш йўли блан Германия эксплуатацияни ва зулмни йўқ қилаолади. Биз тинчлик байроғини, демократия ва социализм байроғини олга, ғалабага қадар олга кўтариб бормоқдамиз.

Яшасин Совет Иттифоқининг бизни фашизмдан озод қилган мард ва шонли Армияси!

Яшасин улуғ ва қудратли Совет Иттифоқи бошлиқ жаҳон тинчлик лагери!

Яш